

АҲРОР МАЪРУФОВ

ПАРОНИМЛАР ЛУҒАТИ

(Талаффузи яқин сўзлар)

ЎзССР Маориф министрлиги тасдиқлаган

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1974

Жамоатчилик асосида филология фанлари кандидати Тешабой Алиқулов таҳрир қилган

СЎЗ БОШИ

Тил маданияти умуммаданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг юксалишида кучли қуролдир.

Тил ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишидан тилнинг таракқиёт қонунларини мукамал билиш, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Нутқ маданиятига эътибор кундан-кунга ортомқда, аммо шунга қарамай, кўпгина ўқувчиларнинг ёзма ишларида, ҳатто, газета, журнал ва китобларда (*танбур ўрнига тамбур, адил ўрнига адл, тери ўрнига тире* қўллаш каби) хато ва камчиликлар учраб туради.

Талаффузи жиҳатидан яқин, маъно томондан фарқли бўлган сўзлар тилшуносликда пароним дейилади.

Ёзма ёки оғзаки нутқда паронимларни мазмунан тушуниб етмай, бири ўрнига иккинчисини қўллаш, уларнинг имлосида янглишиш каби ҳоллар тез-тез учраб туради. Бундай камчиликларни бартараф қилиш учун уларнинг қисқача луғатини яратишни лозим кўрдик. Луғат, хусусан, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган.

ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Луғатда дастлаб пароним сўзлар келтирилиб, улар алфавит тартибида берилди.

2. Паронимик уядаги ҳар бир сўз мустақил луғат мақоласи сифатида, сатр бошидан берилиб, уларнинг мазмунан (шунингдек, шаклан) бошқа фарқли сўзлар эканлигига қисқа изоҳ берилади. Паронимик уядаги сўзларни фақат бир-бирларидан фарқларидан иборат бўлганлиги учун ҳам, полисемантик сўзнинг бир мустақил маъносига изоҳ бермай, унинг маъносига изоҳ бериш ёки синонимик вариантини келтириш билан чекландик.

3. Ҳар бир луғат мақоласи изоҳлангач, матбуот, турли журнал ва бадий асарлардан мисоллар ҳамда сўзлашув тилидан олинган мисоллар келтирилади.

4. Паронимик уялардаги бош сўзларни тартибланда алфавит тартибига риоя қилинди.

5. Паронимик уя составига кирган айрим сўзлар грамматик белги (помета) билан таъминланди. Масалан: *абру эск. қош; одош диал. тамом, адо; гўш, эск. кт. қулоқ* каби.

6. Фақат бирор компонент билан қўлланадигап айрим сўзларнинг дастлаб паронимик уяни ташкил этунчи компоненти берилиб, икки нуктадан сўнг тўлиқ формаси келтирилди. Масалан: *оро: оро бермоқ аро бармоқ*, атоқли: *атоқли от грам. Бирор предметга махсус қўйилган ном.*

ПАРОНИМЛАР ҲАҚИДА

Паронимлар талаффузнинг ўхшашлиги, морфем составининг қисман яқинлиги туфайли ёзувда, нутқда адаштирилиши мумкин бўлган, қофиялашда, шунингдек, сўз ўйинида ишлатиладиган бошқа-бошқа маънодаги сўзлардир. Масалан: *кампания* — *компания*, *шароб* — *шараф* сўзлари икки паронимик уяни ташкил этувчи турли маънодаги мустақил сўзлардир.

Кампания — бирор мақсадни кўзлаб маълум вақт, давр ичида ўтказиладиган оммавий ҳаракат маъносини ифодалайди: пахта йиғим-терими кампанияси; экиш кампанияси; *компания* — шерикчилик, улфатчилик; буржуа мамлакатларида эса капиталистларнинг савдо ёки саноат ширкати маъноларини ифодалайди: савдо кампанияси каби.

Шароб ва *шараф* сўзлари ҳам алоҳида-алоҳида тушунчага эга бўлган мустақил сўзлиги яққол сезилиб турибди. Лекин шунга қарамай, кўпинча оғзаки нутқда, шунингдек, ёзма нутқда ҳам уларни алмаштириб, хато ишлатиш ҳоллари учрайди. *Чойхона доим кишилар билан тўла бўлар, Ҳамза уларга турли темаларда докладлар қилар, тамбур чалиб, ашула айтиб берар эди.* («Сов. Ўзб.») *Ҳовли сатҳига яшил гиламлардек тўшалган кашнич, укроп, нилдек қоладиган барра ўсмалар юзида шабнамлар инжудек тобланади.* («Ўзб. маданияти».)

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, ниҳоятда яқинлиги ва ўхшашлигидан *танбур* ўрнига *тамбур*, *товланмоқ* ўрнига *тобланмоқ* сўзлари ўринсиз ишлатилган. Ваҳоланки, улар бир-бирларидан маъно жиҳатидан тубдан фарқ қиладилар.

Паронимия ҳодисаси фразеологик бирликларда ҳам учрайди.

Таниқли тилшунос Ш. Раҳматуллаев ўзбек тили фразеологиясига доир монографик ишида фразеологик паронимлар ҳақида батафсил фикр юритган. Паронимия адабий тил нормалари, нутқ маданияти ва биринчи навбатда орфография масалалари билан боғлиқ ҳодисадир.

Паронимлар барча тилларда, жумладан ўзбек тилининг луғат составида ҳам кўп учрайди. Айниқса, фан ва техниканинг тез суръатлар билан ўсиши натижасида, ўзбек тилига кирган янги сўзлар шу тилдаги мавжуд сўзлар билан талаффузи жиҳатидан қоришиши паронимия ҳодисасининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан: *штаб* - *шитоб*, *тире* - *тери*, *тамбур* - *танбур*, *тариф* - *таъриф*.

Бундан ташқари, соф ўзбек тилида ҳам талаффуз ўзаро яқин, ўхшаш сўзлар кўплаб учрайди. Масалан: *энлик* — *элик*, *соғлик* — *совлиқ*, *қуй*— *қўй* кабилар.

Демак, паронимлар

а) соф ўзбекча;

б) бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзларнинг ўзлаштирама ва соф ўзбекча сўзларнинг талаффузининг тасодифий ўхшашлиги, яқинлиги туфайли, яъни турли тилларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган тил ҳодисасидир. Баъзи лингвистик адабиётларда пароним стилистик приём сифатида фойдаланиш муҳимлиги қайд этилади. Бу фикрнинг тўғрилигини фактлари ҳам тўла исботлайди. *Афанди яқин бир оинаси билан «Фарҳод ва Ширин»га тушишган экан. Бир вақт Фарҳод ўз дўстига «Эй Шопур» деб мурожаат қилади. Шунда Афандининг дўсти — Мулла Насриддин, Фарҳоднинг шофёри ҳам борми? — деб сўраб қолибди. — Қизиқмисиз, — дебди Афанди, — Ҳоқоннинг фарзанди бўлади-ю шофёри бўлмайдимми? («Муштум».) Ҳурматли судья! Болаларимга юбориладиган алимент пулининг процентини бир оз қисқартирсангиз, деб илтимос қиламан. Чунки тунов кун хотиним билан кўчада учрашиб қолувдик: «Раҳмат, элементни ўз вақтида олиб турибман», — деб қўйди. «Алимент» сўзини «элемент» деб бузиб айтгани учун юборган пулларимга юрагим ачишиб кетди».*

Паронимлардан стилистик приём сифатида фойдаланиш ўқувчи ва ўқитувчиларни, нашриёт ходимлари ва журналистларни, умуман, кенг китобхон оммасини тилга ва нутқ маданиятига алоҳида эътибор билан қараш лозимлигига даъват этади. Паронимлар ўрганилмаган соҳа

бўлгани учун ҳам, улар ўзбек тилида нашр этилган баъзи лингвистик адабиётларда қориштириб юборилган. Масалан, олий ўқув юртлари учун ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида *гадо* — *гадой*, *бўйича* — *бўйинча* сўзлари дублет деб қаралса, *соп* — *соб*, *туп* — *туб*, *ёт* — *ёд*, *сут* — *суд*, *қат* - *қад* сўзлари шу дарсликнинг омонимия ҳодисасига бағишланган қисмида омофонема ёки фонетик омонимлар деб талқин қилинади. М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расуловларнинг «Ўзбек тили» дарслигида *ёд* — *ёт*, *компания* — *компания* каби тил фактларини омофонлар деб қаралади. Омонимлар ҳақида махсус текшириш олиб борган М.Миртожиев эса, омонимларни омофон, омограф ва омоформаларга бўлиб текширишга қарши чиқиб, уларни фақат лексик ва грамматик омонимларга ажратади. Бундан кўринадики, омонимия масаласида ҳали ҳам бир фикрга келинмаган.

Паронимларни дублет сўзлар ва омонимлардан фарқлаш лозим. Дублетлар мазмунан бир тушунчани ифодаловчи, келиб чиқиш нуқтаи назаридан умумийликка эга бўлган ва кўпинча тилга турли даврда кириб келган ўзлаштирма сўзлар ҳисобига вужудга келадиган икки ёки ундан ортиқ сўзлардир. Масалан: *шувоқ* — *сувоқ*, *супурги* — *шупурги*, *жимжилоқ* — *чиначақ*, *гўшаиға* — *чимилдиқ*, *бахмал* — *духоба* — *бархит*, *арқон* — *арғамчи*, *чачвон* — *чиммат*, *санда* — *танча*, *артак* — *чўптак*, *ёстиқ* — *болиш*.

Омонимлар эса талаффузи ва ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар ёки сўз формаларидир. Масалан, *от* (кишининг исми ва уй ҳайвони), *қурт* (ҳашарот ва қуритилган сузма), *ўт* (олов ва ўсимлик) кабилар.

Демак, паронимларни дублетлар қаторига ҳам, омонимлар қаторига ҳам киритиб бўлмайди. Фактларнинг кўрсатишича, паронимларнинг бир қисмини *гадо* — *гадой*, *жо* — *жой*, *компания* — *компания*, *сўнги* — *сўнги* каби ўзакдош сўзлар, иккинчи қисмини эса *каиф* — *касиб*, *таъриф*—*тариф*, *бок*—*сўк* каби ўзакдош бўлмаган сўзлар ташкил этади. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам талаффузи яқинлиги ёки ўхшашлиги аниқ сезилиб туради.

Шуни айтиш керакки, паронимия ҳодисасини салбий ҳодиса деб бўлмайди. Бу ҳақда тилшунос Н.В.Крушевский шундай ёзади: «Тил янгиланиб, ўз составини бошқа факторлар билан бузаётганга ўхшайдию, лекин аслида эса бу факторлар тил учун олий даражада фойдалидир. Улар тилга доимий янги материаллар етказиб туради. Тилда шуларсиз на структура ва на лексик материал жиҳатдан прогресс бўлиши мумкин эмас.

Демак, паронимлар доим учраб турадиган тил ҳодисасидир. Уларни лексик-семантик жиҳатдан бир-бирларидан ва бошқа тил ҳодисаларидан фарқлаш лозим. Паронимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни бошқа ҳодисалар билан қориштираш мақсадида, ўқувчиларнинг билим даражасига қараб, турли машқлар ўтказиш мумкин. Бу аввало мактабда, ўқитувчи ёрдамида, мунтазам равишда олиб бориладиган турли формадаги машқлар ва контрол ишлар воситасида амалга оширилади. Бунда пароним сўзларнинг лексик маъносига, уларнинг семантик хусусиятига алоҳида эътибор бериш билан бирга, сўз формалари ва турли қўшимчалар имлосига, уларнинг ёзувдаги ва талаффуздаги фарқланишларига ўқувчилар эътиборини жалб қилиш лозим.

Мактабларнинг янги программага ўтиши муносабати билан, синонимия, омонимия ва антонимия ҳодисалари билан бир қаторда, паронимлар ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот бериш ўринлидир. Чунки паронимларни, семантик жиҳатдан, стилистик ва орфографик жиҳатдан ўрганиш натижасида, ўқувчиларнинг сўз бойлиги ортади, имло қоидаларини пухта эгаллаб, сўз маъноларини фарқлайдиган ва уларни тўғри қўллайдиган бўладилар.

Она тили дарсларида лексикология ва семасиологияга доир машқлар билан бирга, паронимларга оид машқлар ҳам ўтказилса, ўқувчилар саводхонлигининг янада ошишига эришилади.

Масалан, машқлар қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Қуйидаги сўз маъноларини тушунтиринг ва улар ёрдамида гап тузинг.

Абрў — обрў, азим — азм, дарз — дарс, жоди — жоду, шараф - шароб.

2. Қуйидаги ўзлаштира сўзларнинг фарқини тушунтиринг.

Алимент — элемент, артикль — артикул, банк - банка, омоним — аноним.

3. *аро — ора — оро — ором* сўзлари иштирокида: биттадан гап тузинг.

4. Қуйидаги сўзлар ўзагини аниқланг.

Ёнилги — ёқилги, эгалламоқ — эгарламоқ, судхўр — сутхўр.

Бундай машқларни турли формаларда тузиш ва ўтказиш мумкин.

Т. Алиқулов

АБАД — ОБОД

Абад — доимий, мангу.

1. Юртим ҳар кун азиз меҳмон келур,
Худди минг бахту шараф ҳам шон келур.
Биз учун меҳру муҳаббат боғидан
То *абад* ўлмас гулу райҳон келур.

(Чустий.)

2. Икки нарса бир-бирига *абад* йўлдошдир,
Бири тиғдор аёз бўлса, бири қуёшдир,
Ҳаёт билан ўлим умр тарозусининг
Палласида тортишувчи иккита тошдир.

(Ё. Мирзо.)

Обод — ободон, фаровон, сергавжум.

Обод мамлакатнинг қувноқ фарзандлари биз бўламиз, деди сўзнинг охирида болалардан бири.

(«Ёш Ленинчи»)

АБЗАЛ — АФЗАЛ

Абзал — юган, эгар, жабдуқ каби от асбоблари мажмуи.

Аравадаги бир неча боғ беда устида ўлган отнинг *абзаллари* ётар эди.

(А. Қаҳҳор.)

Афзал — нисбатан яхши, дуруст, маъқул.

Номуссиз юрмоқдан, номусли ўлмоқ *афзал*.

(Мақол.)

У (Боис) ўйлади: жанговар буйруқнинг бажарилишидан кўра ўз жонини афзал кўрган одамми! Йўқ, уят ўлимдан қаттиқ.

(Н. Сафаров.)

АБЛАҚ — АБЛАҲ

Аблақ — ола-була тусли от.

Аблақ ёмон бўлади ва минишли яхши хиллари кам бўлади

(«Қобуснома»)

Замонанинг *аблақи* янглиғ хироми.

(А. Навоий)

Аблаҳ — ўта ярамас, разил, қабих.

1. Қоч дейман *аблаҳ!* Нақ бўйнингни узаман,—деб яна ўшқирди амакиси.

(П. Турсун)

2. — Сен *аблаҳ!* Кўзингни олайтирма! — Бойваччанинг тумшуғига келиб қнқирди Йўлчи ва унинг биллагидан маҳкам сиқди.

(Ойбек)

АБРЎ — ОБРЎ

Абрў — эски кт. қош.

Қаю манзилдаким ул хўш нигоҳ *абрў* ҳилолим бор,
Борай дерман қошига талпинарман то мажолим бор.

(Мужрим Обид.)

Обрў — ҳурмат, эътибор, нуфуз. *Обрў қозонмоқ*.

Планнинг бажарилиши — бизнинг *обрўмиз*.

(«Сов. Ўзб.»)

АДАШ — ОДОШ

Адаш — отлари (номлари) айнан бир хил бўлган кишилар — отдош.

Эшитдингми, *адаш*, деди Матвей сариқ мўйловини бош бармоғи билан ростлаб,— биздан марказқўм ҳам кўз-қулоқ бўлиб турибди.

(А. Мухтор.)

Одош — диал. тамом бўлиш; тугаш; тамом. *Одош бўлди*.

Бор-йўқни *одош* қилиб, ундан сўнг бармоғингни тишлаб ўтирасанми? Ундан кўра ишла.

(«Муштум».)

АДИБ — АДИБ

Адиб —бадий асар ёзадиган шахс, ёзувчи.

1. Ҳиротда талайгина ёш *адиблар*, машшоқлар ва рассомлар чиқяпти. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турмоқ керак, — деди Навоий Ҳусайнга.

(Ойбек.)

2. Новатор *адиб* Чингиз Айтматов Ленин мукофоти лауреати номини олиш шарафига муяссар бўлди.

(«Сов. Ўзб.»)

Адиб — тўн, халат кабиларнинг четига тикиладиган энсиз мато — мағиз.

Алишер чопонига ола-була ямоқ солинган, *адиблари* сўқилган, бош яланг ва оёқ яланг дарвешни ҳам кўрди.

(Ойбек.)

АДИЛ — АДЛ

Адил — тик, тўгри.

1. Қиз ҳали ёш бўлса-да, бўйчан эди, бичими ингичка ва самбитгул новдасидек *адил* эди.

(Ойбек.)

2. Мана ўтди бир соат: камайди йўл ораси, Уфқларда кўринар *адил* бино қораси.

(М. Шайхзода.)

Адл — адолатли, одил.

1. *Адл* қулоғила эшит ҳолими

Зулм қилур, баски, менга золими.

(Муқимий.)

2. Навоий зулмни қоралаб, одилни улуғлар экан, у адолатли ҳукмронларнинг барча халққа баравар *адл* билан ҳукм ўтказишларини кўзда тутарди.

(«Сов. Ўзб.»)

АЗИМ — АЗМ

Азим — ғоят катта, улкан.

1. *Азим* дарёлар ҳам камар бўлолмас,

Қўшилиб чулғанса сенинг белиннга.

(Ҳ. Олимжон.)

2. *Азим* чўл файзли, кўркам водийга айланиб боряпти.

Азм — қатъий қарор, жазм. *Азм қилмоқ*.

1. У энди пойтахтга келмоққа *азм* қилган.

(Ойбек.)

2. Ленин даҳоси, халқ *азми* билан бу чўлдан ундирилаётган «оқ олтин» дарёси республика

пахта денгизини тўлдираётир.

(«Муштум»)

АЗОТ - ОЗОД

Азот — бирдан, бирданига, даст.

1. У ўрнидан *азот* туриб гапирди.

2. — Ёрдамингиз учун катта раҳмат! — деди Турсуной ва юкни ердан *азот* кўтарди-да, кифтига кўйиб жўнаб колди.

(Н. Сафаров.)

Озод — тобе бўлмаган, эркин.

Муте эмас одам одамга,

Қалби *озод*.

Меҳнат *озод*!

Ана шундан, юртим, сен обод!

(М. Бобоев.)

АЙРИЛИК — АЙРИЛИҚ

Айрилиқ — айри бўладиган, айрибоп. *Айрилиқ ёғоч*.

Рандаланмаган тўртта тахта остига икки томонидан *айрилиқ* ёғоч қоқилган.

(«Сов. Ўзб.»)

Айрилиқ — жудолик, фирок, ҳижрон.

1. Занг урди... Бошланди хайрлашув он

Поезд бизлар билан ҳисоблашмасдан

Орага солади *айрилиқ - ҳижрон*.

(Сильва Капутикян.)

2. Уруш туфайли йигирма саккиз йилни *айрилиқда* ўтказган ака-ука Жанубий Фарғона канали бўйида яна кўришишди.

(«Сов. Ўзб.»)

АЛИФ — ОЛИФ(А)

Алиф — араб алфавитидаги биринчи ҳарфнинг номи.

1. Яшасам юз йил ҳам чиқмайди эсдан,

Менга илк *алифни* ўргатган устоз.

(М. Шайхзода.)

2. Тилинг калимага келмайдиган, *алифни* калтак дея олмайдиган саводсиз эканинг ёдингдан чиқдимми?

(«Муштум»)

Олиф(а) - одатда лак, мой, бўёқ кабиларни тайёрлашда қўлланадиган тайёр мой, олиф мой.

— Ҳимм... Бир жойдан йигирма етти қути бўёқ топдим. Олти қадоқ *олиф* ёғи топдим.

(А. Қаҳҳор.)

АЛАМ — АЪЛАМ

Алам — Маънавий эзилиш, азоб чекиш, оғриқ. *Аламига чидолмаятман*.

Раиснинг сўзи Воҳидхўжага *алам* қилган эди. Зоҳиданинг гапи дард устига чипқон бўлди.

(Аббос Муҳиддин.)

Аълам — *дин*. Шариат қонун-қоидалари юзасидан берилган фатвони тасдиқ ёки рад этувчи диний арбоб, бош муфти.

Мўйсафид мулла бу теваққилнинг атоқли кишиларидан бўлиб, уни Убайдуллахўжа *аълам*

ёхуд Убайдуллахўжа эшон деб атар эдилар.

(П. Турсун.)

АЛИМЕНТ — ЭЛЕМЕНТ

Алимент — ўзидан ажралган хотинига (сағир, балоғатга етмаган болалари учун) ёки меҳнатга яроқсиз оила аъзоларига, ёхуд хотин томонидан илгариги эрига қонун асосида тўлаб туриладиган нафақа.

Судья қизнинг тарбиясига ғамхўрлик қилишни ва унга тегишли *алимент* тўлаб туришни таклиф этди.

(«Сов. Ўзб.»)

Элемент — *хим.* Оддий воситалар билан бўлиб бўлмайдиган модда. Менделеевнинг *элементлар* даврий системаси.

АЛПОЗ — АЛФОЗ

Алпоз — вазият, аҳвол, ҳолат.

Кеча кечкурун бинойидек юрган Муаззам опа тун ярмидан оққанда оёқлари зирқираб оғриб кетди. Шу *алпозда* анчагача ухламай ётди.

(Р. Файзий.)

Алфоз — *эск.* сўзлашувдаги ибора.

1. Менга яқин келгач, оғзимга колган *алфоз* билан сўка бошладим.

(Айний.)

2. Ҳоқим халқни минг *алфозда* ўкириб, ҳаммани ҳақорат қилиб кетганидан кейингина у (Қудрат) уйига қайтди.

(М.Исмоилий.)

АМИР — АМР

Амир — Шарқнинг айрим мусулмон мамлакатларида хонлик ёки подшолик унвони ва шу унвон эгаси.

1. *Амирнинг* ошидан, фақирнинг мушти яхши.

(Мақол.)

2. — Сиз, — деди Қулмурод кулимсираб, — *амир* одамларига жуда ҳам ўчакишиб қолибсизда Шоқир ака.

(С. Айний.)

Амр — буйруқ, фармон, фармойиш.

1. Унинг *амри* билан полвон яна илгариги жойига келиб турди.

(«Сов. Ўзб.»)

2. Ҳақим Қурбонов партия чақирғи ва қалб *амри* билан янги ерга — Мирзачўлга отланди.

(«Ёш ленинчи».)

ОМОНИМ — АНОНИМ

Омоним — шакл жиҳатдан бир ва мазмун жиҳатдан турлича бўлган сўз. *Грамматик омонимлар. Лексик омонимлар.*

Шакли бир хил, маъноси турлича бўлган сўзлар *омоним* деб аталади.

(«Ўзбек тили» дарслиги.)

Аноним — номсиз, имзо қўйилмаган. *Аноним хат.*

Мажлисни ҳайратда колдирган бу хатни *аноним* деб бўлмасди.

(П. Қодиров.)

АНГАР — АНГОР

Ангар — *диал.*: экин майдони, экинзор, дала.

Дангасалар *ангарда*,
Ёлчителиб иш қилмасдан,
Қийиқчаси чангалда,
Мажлисларда шарманда.

(Қўшиқдан.)

Ангор — афт-ангор, башара, қиёфа. Келарга ўхшамас афти *ангоринг*, Талаб қибсан, билдим Ёвмит элига

(«Гўрўғли».)

АНҚО — АНҚОВ

Анқо — афсонавий қуш.

1. Ҳавас бўлса, *анқонинг* тухуми ҳам топилади.

(Ойбек.)

2. Йўл дегани узоқки, сира парёғи йўқ. Сув *анқога* шафи. Ҳаммаёқ кум, қизиб, ёниб ётган қақроқ кум, деди Хожи хола.

(М. Исмоилий.)

Анқов — овсар.

I. Элмурод ичида *анқовни* топдинг, билганингни маъқуллай бер, чол деб қўйди.

(П. Турсун.)

АРО — ОРА — ОРО — ОРОМ

Аро — ичида; ичидан; ичра.

У (Қулматқора) ҳали бу атрофда бўлган эмас, йигитлар *аро* унинг даҳшатли номигина юради.

(А. Мухтор.)

Ора — бировлар билан бўладиган муносабат, алоқа. *Орани очиқ қилмоқ*.

Оро: *оро бермоқ* — ўзини, бирор кимса ёки нарсани безатмоқ, зеб бермоқ.

Она-Ватан, гўзал табиат *оро* берар яна ўзига.

Қўшиқ айтгим келади яна қулоқ бериб сўзига.

(З.Диёр.)

Ором — тинч ва осойишта роҳат, роҳатланиш.

Дилга *ором* берувчи ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш, осмон сайёраларининг жимжималарини кузатишга нима етсин!

(«Ўқитувчилар газетаси».)

АРИҚ — ОРИҚ

Ариқ — махсус сув йўли.

1. Кичик *ариқдан* сув келмагани учун, Гулнор челақ кўтариб катта ариққа жўнади.

(Ойбек.)

2. Ҳолбуки, камбағаллар бўз ерни очамиз деб, янги *ариқни* баландлаб чиқаришяпти.

(М. Исмоилий.)

Ориқ — озиб кетган, озғин, эти қочган. *Ориқ* от.

Оч-ориқнинг холи танг бўб юганда,

Рахбар бўлган Ленин ўртоқ шоввозди.

(Э. Жуманбулбул.)

АРКОН — АРҚОН

Аркон — *эск.* устун, таянч, суянчик; атоқли арбоб; аркони давлат — давлат арбоблари.

1. Баъзи *аркони давлат* ва аёнларнинг ичлари шув этиб кетди.

(Ойбек.)

2. Жаноблар, мен *аркони давлат* ва амирлар билан ҳазиллашмоқни тарк этдим,— деди Шаҳобиддин.

(Ойбек.)

Арқон — одатда каноп ўсимлигидан ёки турли ип, жунлардан пишителиб, эшиладиган йўгон чилвир.

1. Эшакнинг ўнғачига қадалиб турган бўйинтуруққа икки ёнидан йўгон *арқон* тортилиб, учлари омочнинг кўндаланг ёғочига келтириб боғланган.

(М. Исмоилий.)

2. Йўлчи икки қулоч *арқонни* белбоғ устидан бойлаб, ҳаммоллик қилиш учун бозорнинг энг қайноқ жойига борди.

(Ойбек.)

АРПА — АРФА

Арпа — буғдойсимон ғалла ўсимлиги ва унинг ҳосили. *Дехқонлар арпа ўримиға киришдилар.*

Буғдойингизнинг нарёғидаги *арпа* ҳам сизникими? — деб бир шогирдпеша оқсоқолдан сўради.

(С. Айний.)

Арфа — уч бурчак шаклидаги ноҳин билан чалинадиган мусиқа асбоби.

Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг арфа чалувчиларидан бири — ўзбек кизи Сора Хўжаевадир.

(«Саодат».)

АРТИКЛЬ — АРТИКУЛ

Артикль — баъзи тилларда от олдидан қўлланадиган грамматик кўрсаткич.

Артиклар от билан қўшилиб бир сўздек айтилади.

(«Француз тили» дарслиги.)

Артикул — маҳсулот ёки товарнинг хили, тури, типи.

Боя мен кирганда гап аллақандай *артикул* тўғрисида борарди.

(Саид Аҳмад.)

АСИЛ — АСЛ

Асил — ҳақиқий, табиий.

1. *Асил* айнимас, айниса ҳам чиримас.

(Мақол.)

2. *Асил* дехқон келгуси йил ҳосили учун ҳозирдан тайёргарлик кўради.

(«Сов. Ўзб.»)

Асл — бирор нарсанинг асоси, асос. *Асл нусха.*

Хотин... *асл* ўрданинг улуғ мухташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ёндаги айри йўлга бурилди.

(А. Қодирий.)

АСИР — АСР

Асир — асирликка тушган одам, тутқун.

1. Сиринг — сенинг *асиринг*.

(Мақол.)

2. Турдиев *асирни* тўғри батальон штабига олиб жўнади.

(Шухрат.)

Аср — юз йиллик давр.

1. Бизнинг *асримиз* эркинлик учун кураш *асридир*.

(«Сов. Ўзб.»)

2. Бу дарахтлар бир неча *аср* умр кўрган, зўр, дахшатлидир.

(Ойбек.)

АТОҚЛИ — ОТОҚЛИ

Атоқли — атоқли от — *грам.* бирор предметга махсус қуйилган ном.

Отлар *атоқли* от ва турдош отларга бўлинади.

(«Ўзбек тили» дарслиги.)

Отоқли — донг таратган, кўзга кўринган, машхур. *Отоқли олим.*

Ўзбек халқининг *отоқли* ёзувчиларидан бири Ойбекдир.

АХИР — АХИЙРИ (ОХИРИ) — ОХУР

Ахир — *грам.* Таъкид юкламаси.

1. Шундай одамни севмаслик мумкинми, *ахир*.

(Ойбек.)

2. — *Ахир*, бойларнинг қўлидан ерни тортиб олиб камбағалга берган одам бўлганми? Бу ишни фақат Ленин қилди, Бундай одам афсонада ҳам бўлган эмас,— деди чол.

(П. Турсун.)

Ахийри (охири) — *диал.* охири, пировардида.

Жийда қайнатиб ичибди, қалампирмунчоқ қайнатиб ичибди, хуллас, ҳеч бири кор қилмабди, *ахийри* илгари кун ишдан келибди-ю, йикилибди.

(М. Исмоилий.)

Охур — ҳайвонлар ем-хашак ейиши учун ёғочдан қилинган махсус идиш, жой. *Сигирнинг охури. Охурга ем-хашак солмоқ.*

От билан эшакнинг бирга бўлса *охури*,

Ранги эмас феъли урар охири.

(Мақол.)

АҲИЛ — АҲЛ

Аҳил — тотув, иноқ, иттифоқ.

1. Бизда энг яхши оилани *аҳил* оила дейишади.

(«Сов. Ўзб.»)

2. Ватанимиз обод бўлсин деб,

Абадий ясаниб нурга тўлсин деб,

Тенглик дунёсини қурмоқдамиз, бил,

Етмиш миллат аҳил, бир жону бир дил.

(Қ. Муҳаммадий.)

Аҳл — бирор соҳа, касб ёки маълум доирадаги кишилар.

Мажлис *аҳлининг* аксарияти хурсанд бўлиб, мустафо Содиқни олқишладилар.

(Ойбек.)

БАЗУР — БАҲУЗУР

Базўр — зўрға, аранг, зўр билан.
Гулнор ўкчиб-ўкчиб *базўр* сўзлади.

(Ойбек.)

Вали эса бошини *базўр* кўтариб, ўртоқларига назар ташлади.
Бахузур — бемалол, ўнғайсизлик сезмай.
Юзим *бахузур* кўриниб турарди, — деди Хожи хола.

(М. Исмоилий.)

БАЁН — БОЁН

Баён — бирор воқеа ёки ҳодисани ифодалаб бериш. *Баён ёзиш. Баён қилмоқ.*

1. Хўп, бу ўртоқнинг сўзини эшитайлик, сўнгра фикрингизни *баён* қиларсиз;—деди раис Мирсобитга.

(С. Айний.)

2. Ҳар ким ҳар турли фикр *баён* қилиб узоқ бош оғритдилар.

(А. Қодирий.)

Боён — бойлар.

— Ойи, олам нурга тўлди, озодлик, инқилоб офтоби чикди!.. *Боёнлар* ин-инига кириб кетди.

(Ойбек.)

БАК — БАҒ

Бак — сув, умуман, суюқлик солинадиган идиш.

1. Биз бу шийпонларда иссиқ овқат ташкил қилиш учун ошхоналар қурганмиз, *бакларга* эса қайнаган сув қуйиб қўйганмиз.

2. Сотувчи йигит аравада бир бочка керосин олиб келди. Икковлашиб бочкага резинка ичак солиб, *бакларни* тўлдириб олдик.

(Саид Аҳмад.)

Бағ — ўсимликлар япроғи.

Завод уруғ чиқарди,

Колхозчилар боқсин деб,

Тоза *бағлар* соламиз.

Қуртимизга ёқсин деб.

(«Қўшиқдан».)

БАЛ — БАЛЛ

Бал — катта базм, рақс кечаси.

Дўстлик тароналари... *бал* ўтаётган бинода янада кучлироқ янгради.

(«Сов. Ўзб.»)

Балл — бирор ҳодиса, ер қимирлаш, шамол кабиларнинг, шунингдек, ўқувчиларнинг билим даражасини ва хулқи рақам билан кўрсатадиган баҳо.

1. Юртимиз шахматчилари шахмат турнирида энг юқори *баллга* эришди. Илгари ҳам доим яхши ўқиб келган Чиннихон имтиҳонларининг ҳаммасини «5» га топширди.

2. Мансуржонники бир *баллга* етмас эди.

(П. Қодиров.)

БАНДА — БАНДИ

Банда — *дин.* кул, одам.

Худо ғазаб қилган *бандасини* шу кўйга солади,— деди кампир васиқаларни тахлаётиб, — наҳот киши ўз мулкига ўзи душман бўлса!

(А. Қаҳҳор.)

Гофил банда — эртанги кунда бошдан не кечишини билмайдиган одам, ночор одам.

Ишла, ишлов вақти келди,

Ётма, *гофил бандалар*.

(Х. Ҳакимзода.)

Банди — асирликка тушган, тутқун. *Банди қилиб олмоқ. Банди бўлмоқ.*

Холхўжа *бандиларнинг* қўлини ювишни буюриб, кўрпачадан жой кўрсатди.

(Саид Аҳмад.)

БАНК — БАНКА

Банк — давлат пул маблағларини тўплайдиган ва тақсимлайдиган муассаса.

1. Давлат *банклари* халқ учун хизмат қилади.

2. 1968 йилдан барча колхозлар тўғридан-тўғри *банк* орқали кредит олишга кўчдилар.

(«Сов. Ўзб.»)

Банка — металл ёки шишадан ясалган цилиндрик идиш. *Шиша банка. Тунука банка.*

У кичик *банкадан* мой олиб, извошни мойлаётганда, Бозоров яна чақириб қолди.

(И. Раҳим.)

БАРДА — БАРДИ

Барда — пиво, ароқ пиширганда чиқадиган қуйқа, тўпон. *Барда моллар учун тўйимли озуқадир.*

Озиқ-овқат саноатининг чиқитлари *барда...* озуқаларнинг ўрнини тўлдиришнинг катта манбаидир.

(«Сов. Ўзб.»)

Барди — узун баргининг икки чети аррасимон бўлиб ўсадиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик, қиёқ ўт.

1. Шудринг еб турсин деб, токдан узмай қўйилган узумларнинг устига *барди* ташланганда Исмат ҳожининг узумхонасидаги одамлар узумсиз қолар эди.

(Ойдин.)

2. Бир кун пайт топиб боққа бордим, ток жуда ҳам ўсиб кетган, *бардидан* ҳатто икки қарич ўсиб чиққан эди, — деди Ўсар ака.

(А. Қодирий.)

БЕТОН — БИДОН

Бетон — цемент, сув, шағал қоришмаси ва шу қоришмадан қуйиладиган фундамент, девор ва шу кабилар.

1. Кон ишчилари ГЭС пойдеборига *бетон* қуйиб, станция деворини тиклаб бўлдилар.

(Саид Аҳмад.)

2. Реактор сув қатлами темир халқа ва *бетон* девордан ташкил топган кучли ҳимоя воситаси билан ўралган.

(«Фан ва турмуш».)

Бидон — сут, сув ва бошқа суюқликлар сақланадиган қопқоқли туйнукли идиш

1. *Бидонларда* сут тўла эди.

2. Катта дарвозадан *бидон* юкланган автокачка чиқиб келди.

БОБ — БОП

Боб — асарнинг бир қисми, бўлаги, бўлими.

1. Терим машинасида қизларимиз руль олиб,

Галаба китобида оча олди янги *боб*.

(Зулфия.)

2. Сизга бағишланур, ўқувчим,
Ижодимнинг энг асил *боби*.
Куйга тўлиб янграр сиз учун
Юрагимнинг олтин рубоби.

(Уйғун.)

Боп — мос, муносиб.

1. Ўзинг боргин, кечада сенбоп гаплар ҳам бўлади.

2. Элмурод Мадаминнинг ўзига *боп* бошпана топганига ажабсиниб, ўзича кулиб қўйди.

(П. Турсун.)

БОД — БОТ

Бод — *мед.* ревматизм.

1. Порахўрлик бод ташлаган бўлса, ажаб эмас, лекин порахўрлик ҳам ҳаром қондан бўлади.

(«Муштум».)

2. Пирнафас ақл энди ўзини бахтиёр сезганидан қумда *бод* касалини тамом йўқотаёзган эди.

(Ж. Шарипов.)

Бот — тез, тез-тез; кўп вақт ўтмай. *У бот-бот касал бўлиб туради.*

Фармон қилар ниҳоят амир:

«Чорлайсиз меъморларни *бот!*»

БОРЛИК — БОРЛИҚ

Борлик — бор бўлиш, мавжудлик. Отабек шу одамнинг юрак дарди *борлигини* биринчи биларди

(А. Қодирий.)

Борлик — олам, дунё.

1. Материализм табиатни бирламчи, руҳни иккиламчи деб билади, биринчи ўринга *борлиқни*, иккинчи ўринга тафаккурни қўяди.

(В. И. Ленин.)

2. *Борлиқ* узра тушганда оқшом,
Зайнаб қўйди далага қадам.

(Ҳ. Олимжон.)

БУРЖ — БУРЧ

Бурж — *эск.* Юлдузлар туркуми, тўдаси. *Ўн икка бурж.*

Дўстлар қиш кетди-ю, келди муборак навбаҳор.

Жилвагар бўлди ҳамал *буржида* хуршид ошкор.

(Ҳабибий.)

Бурч — вазифа, ифтихор.

1. Берилган ваъдани бажариш ҳар бир кишининг виждоний *бурчидир*.

БУРИШ — БУРУШ

Буриш — *бурмоқ* феълидан, ҳаракатни билдирадиган иш оти.

Ўртоқ Аҳмедов келибдилар, тоғдаги булокни далага *буриш* учун канал очишга рухсат беришни сўраймиз.

(«Сов. Ўзб.»)

Буруш — юздаги ажин, тириш

Кампир елкасини учириб йиғлар, кўз ёшлари юзининг *бурушлари* устидан симобдек юмалаб тушиб кетаётган эди.

(А.Муҳиддин.)

БУЮК — БУЮҚ

Буюк — улкан, катта.

Туябўғиздаги замонамизнинг *буюк* қурилишларида, кемалар қатнайдиغان Волга-Дон каналини қуришда қатнашган кишиларни учратамиз.

(«Ўзб. маданияти»)

Буюқ — эск. қаттиқ совуқ, изғирин.

1. Ёзда қалпоқ кийибсан, нима, *буюқ* урдими?
2. Қўллари кўрпа тагидан сандалга тикди. Лекин у ерда кам хутордаги сингари *буюқ* ўйнарди.

(М. Исмоилий.)

БЎЙИЧА — БЎЙИНЧА

Бўйича — кўра, биноан.

1. Мана, устоз Жомийнинг китоблари, одатимиз *бўйича*, дуч келган бир саҳифасини очамиз. («Ўзб. маданияти».)
2. Ўроз ҳар кунги одати *бўйича*, жийдага суяниб, ўзи ясаган кичкина дўмбирасини чала кетди.

(Ойбек.)

Бўйинча — арава қўшилганда отнинг бўйнига осиладиган асбоб.

1. Аравага қўшилган от кечаси йўлда кетаётганда бир нарсадан қаттиқ кўрқиб *бўйинчасини* узиб юборди.

(А. Қаҳҳор.)

2. Ҳуснибийнинг дадаси Омонбий *бўйинча* тикар эди.

(Ғ. Ғулом.)

ВАҚФ — ВОҚИФ

Вақф — васият қилинган, иноят қилинган, бағишланган ер.

1. Маҳдум бу ерда ўқиётган икки муллавачча учун Қорабулоқдаги *вақфдан* ҳам тама қилмоқда.

(М. Исмоилий.)

2. Бу бой тириклик чоғида *вақф* унумларини мударрис ва муллаваччаларга ўз қўли билан бериб юрар эди.

(М. Муҳаммадҷононов.)

Воқиф — хабардор, бахабар ёки бохабар.

1. Зайнаб Ўктамни мактади ва уларнинг сиридан *воқиф* бўлганини айтди.
2. Фақат яқиндан бери Султонали Мирзо Абдурахмоннинг бунда иштироки борлигига *воқиф* бўлди.

(А. Қодирий.)

ГАДО — ГАДОЙ

Гадо — қашшоқ, фақир, дарбадар.

1. Менга қондош, жондош бўлган эл
Гадо эди, қашшоқ эди, хор,

Қалби тўла нафрат, алам, зор.

(Ҳ. Олимжон.)

2. Фарёд этдим, Муқимий ўхшаб *гадога*,
Бир демадинг: «Кимсан, аффон айладинг!»

(Муқимий.)

Гадой — тиланчи.

Бегойим хи-ҳилаб кулди:

— *Гадой* аразласа хуржунига зиён!..

(М. Исмоилий.)

ГАЗ — ҒОЗ

Газ — учувчан ёки тарқалувчан физик модда. Қишлоқ уйларига *газ* келадиган бўлди. —
Жуда яхши.

(И. Раҳим.)

Ғоз — парранданинг номи.

Соҳилпда чайқалар қамиш.

Учиб ўтар баъзан ўрдак, *ғоз*.

(Ё. Мирзо.)

ГАЛ — ГАЛЛ

Гал — сафар, марта.

Орадан ҳар *гал* маълум вақт ўтгач, барча шовқинлар океан сувининг гувиллаган садоси
остида кўмилиб кетарди.

(«Сов. Ўзб.»)

Галл — халқ номи.

Қушлар *галл* халқининг ғалаба қилаётган ҳаётини, кўкараётган табиатини, гуллаётган
баҳорини кўшиқ айтиб табрикладилар.

(Ш. Рашидов.)

ГАНЖ — ГАНЧ

Ганж — хазина, бойлик.

Жаҳон *ганжига* шоҳ эрур аждаҳо,

Чу ўтлар сочар қаҳр хангомида.

(А. Навоий.)

Ганч — сувоқ учун ишлатиладиган унсимон қурилиш материали.

Ҳозир мактабга турли қурилиш материаллари, шу жумладан, *ганч* ҳам келтирилди.

ГИЛОС — ГҮЛОС

Гилос — меваси олчага ўхшаш дарахт. *Гилос емоқ. Гилос экмоқ.*

Ҳовлининг жануб тарафини *гилос* ёғочлари қоплаб ётарди.

(А. Қодирий.)

Гүлос — с. т. ранг турларидан бири.

Жигар ранг, *гүлос*, борингки, ... дунёда қанча ранг бўлса,... тўтининг патида бор эди, — деди
Шум бола.

(Ғ. Ғулом.)

ГҮШ — ГҮШТ

Гүш — *эск. кт.* эшитиш органи, қулоқ.

Дейин сўз илмнинг хосиятидин
Баён айлаб анинг моҳиятидин.
Бу сўзни *гўши* бор одам эшитсин,
Ўзида ҳуши бор одам эшитсин!

(Фурқат.)

Гўшт — ҳайвон ёки паррандаларнинг таом сифатида ишлатиладиган эти.
Ичак-чавоқ *гўшт* булмас,
Душман асло дўст бўлмас.

(Мақол.)

ДАВО — ДАЪВО

Даво — шифо.
Қуёш нури, тоза ҳаво,
Ёш жонларга бўлар *даво*.

(П. Мўмин.)

Даъво — даъвогар ёки жавобгар томонидан қилинадиган қатъий талаб; тухмат. *Даъво қилмоқ*, Қуруқ *даъво*. Менинг унга *даъвом* йўқ.

ДАВР — ДАВУР

Давр — муддат, вақт, замон.

Ойга инсон қадами етган бир *даврда*, олимлар олдида, янги бир вазифа — Қуёшда бўлиб турадиган портлашларга қараб чоралар белгилаш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди.

Давур — *с. т.* қадар, -гача.

1. Мен бу йигит билан мактабга *давур* бирга бордим.

2. Йўл ҳамроҳим — кўкконлик Абдуллажон билан Тошкентга *давур* сўзлашиб бордик.

ДАККИ — ДАҚҚИ

Дакки — танбех, ҳайфсан. *Дакки бермоқ*. *Дакки емоқ*.

Баъзиларнинг отини эслади, лекин холасидан яна *дакки* емаслик учун сўрашга ботинмади ва палос ўрнига солинган пичанга чордана қурди.

(Ойбек.)

Даққи — тинкаси қуриган, ҳолдан тойган. *Даққи от*. *Даққи одам*.

Бундай совуқ сўзларни жуда кўп эшитиб, *даққи* бўлиб қолгани учунми, Мўмин хуноб пинагини бузмай, алланималарни деб Калвак гузарига йўл олди.

(С. Абдулла.)

ДАЛА — ДАЛЛА

Дала — кенг экин майдони, сайхон ер; қир.

Далаларда бошланади иш,

Бошланади ижод ва турмуш.

(Ҳ. Олимжон.)

Далла — ахлоқи бузук, қўшмачи (аёл ҳақида).

Халқ унга шу таъна тошини отар экан, яна халқ тили билан айтганда, бу «Имонсиз», «Далла», «Алдоқчи», ... маъноларини билдирар.

(М.Исмоилий.)

ДАРД — ДАРТ

Дард — қийналиш, азоб чекиш, азоб.

Юрагида қайнар эди *дард*,
Ёвни кўрса ўтдай тошарди.
Душманидир хоин ва номард
Унга нафрат билан яшарди.

(Х. Олимжон.)

Дарт — қарғишни ифодалайдиган сўз.
Қампир ўғлига «*дарт!*» деди-ку, айтганига пушаймон еб, кўзига ёш олди.

ДАРЗ — ДАРС

Дарз — девор, тахта кабилардаги ёриқ. *Дарз кетмоқ, ёрилмоқ. Ёрилиб кетмоқ.* Муз *дарз* кетибди, *Дарз* кетган девор.

Дарс — ўқув ишининг ташкилий формаси. *Адабиёт дарси. Математика дарси. Чет тили дарси. Дарсда кўргазмали қуролдан фойдаланмоқ.*

Адолат онасига бошқа ҳеч нарса демади, ичкари хонага кириб, ўн йил *дарс* тайёрлаган столида хат ёзишга ўтирди.

(И. Раҳим.)

ДАФИНА — ДАФНА

Дафина — Ерга кўмилган бойлик, хазина.

Ота-бобомнинг ва ўзингиз жамғариб қўйган хазина, *дафиналарти* бир бир очиб, ...бизга топширинг.

(С. Айний.)

Дафна — доимий яшил либосдаги хушбўй дарахт (лавр.) *Дафна дарахти. Дафна барги.*

ДАҲА — ДАҲО

Даҳа — шаҳарнинг маъмурий райони ёки қисми. Илгари Тошкент тўрт *даҳага* бўлинар эди.

Даҳо — дохий, дохийлик.

Нечоғлик фусун бор эл санъатида,

Нечоғлик *даҳо* бор, нечоғлик маъно,

Нечоғлик жило бор, сеҳр қудратида.

(Миртемир.)

ДЕВОН — ДИВАН — ДОВОН

Девон — бирор шоирнинг шеърларидан тузилган тўплам.

Шоир Собир Абдулла совет шоирлари ичида биринчи бўлиб *девон* тузди.

Диван — мебелнинг бир тури.

Меҳмонхонада ясанган-тусанган бир нечта хотинлар, қизлар *диванларда*, юмшоқ креслоларда, гиламларда болишларга ёнбошлаб хушчакчақ ўтирар эдилар.

(Ойбек.)

Довон — Тоғнинг ёки тепаликнинг ошиб ўтса бўладиган қулай жойи .

Машина *довон* тспасига кўтарилар экан, деразадан салқин шамол урилди.

(Саид Аҳмад.)

ДЕМАК — ДЕМОҚ

Демак — бас, бинобарин.

Улуғ Москва бор, *демакки* бизни

Сира тарк этмайди саодат-иқбол.

(С. Зуннунова.)

Демоқ — айтмоқ, гапирмоқ.
Оз емоқ тани соғлиқ,
Оз демоқ ҳикматга боғлиқ.

(Мақол.)

ДИПЛОМАТ — ДИПЛОМАНТ

Дипломат — давлатлар билан алоқа қилиб турувчи ҳукумат вакили.

Тажрибали *дипломатлар* томонидан ёзилган бундай ҳужжатлар диққат билан ўқишдан ташқари, синчиклаб ўрганишни ҳам талаб қилади.

(«Сов. Ўзб.»)

Дипломант — олий ўқув юртларида диплом олиш учун берилган топшириқларни бажараётган студент.

Институтимиздаги *дипломантлар* ўз ишларини ёзиб тугатдилар.

(«Ўзб. маданияти.»)

ДУСТ — ДЎСТ

Дуст — зарарли хашаротларга қаршн ишлатиладиган махсус захарли дори, порошок.

Зарарли хашаротларни йўқотиш учун *дуст* энг яхши воситадир.

Дўст — оғайни, сирдош, ошна, ўртоқ.

Ўзлари ҳам бир-бирларига шундай жонкуяр, шундай *дўст* эдилар.

(«Ёш Ленинчи»)

ЕТМАК — ЕТМОҚ — ЭТМАК

Етмак — нишолда тайёрлаш учун фойдаланадиган ўсимлик илдизи.

Етмакни меъеридан ошириб юборсангиз, нишолда, албатта, тахир чиқади.

(К. Маҳмудов.)

Етмоқ — бирор парса ёки кимсага эришмоқ.

Покистонда ободон ва фаровон ҳаётга *етмоқ* учун бирдан-бир чора фақат курашишдир, — деди Аҳмад Хусайн.

(Ойбек.)

Этмак — эск. *кт.* этмоқ, қилмоқ.

ЕТОВ — ЕТТОВ

Етов — етаклаб юриладиган (от ҳақида).

Бригадир *етовдаги* отни саройда қолдириб, колхоз правлениесига жўнади.

(«Сов. Ўзб.»)

Еттов — етти сўзидап жамловчи сон.

Биз *еттов* бир бўлиб, топшириқни ҳаммадан илгари бажардик.

(«Ёш Ленинчи»)

ЁД — ЁТ — ЙОД

Ёд — хотир, хотира, эс. *Ёдда сақламоқ. Ёд билмоқ, Ёд олмоқ.*

Сенинг номинг кўнгилларда *ёд*,

Сенинг номинг тилларда дoston.

Ёт — бегона, ўзга.

1. Қадр билмас қариндошдан, кадринг билган ёт яхши.

(Мақол.)

2. Сени *ётлар* тугул ҳатто қилурман рашк ўзимдан ҳам,

Узоқроқ термулиб қолсам бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.

(Э. Воҳидов.)

Йод — *хим.* Галоидлар группасига мансуб элемент.

Йод — медицинада энг зарур химикат ҳисобланади.

(*Химия» дарслиги.*)

ЁЛҚИН — ЁРҚИН

Ёлқин — аланга шуъласи, аланга.

Шох ўтиннинг ўчоқни тўлдириб ловиллаётган *ёлқини* қорайган кўчага шуъла сочмоқда.

(П. Турсун.)

Ёрқин — порлоқ, равшан.

Бу байроқ бир жангчи учун шон-шараф белгиси. У ғалабанинг *ёрқин* нишонаси.

(И.Раҳим.)



ЁНИЛҒИ — ЁҚИЛҒИ

Ёнилғи — газ, керосин, бензин каби ёнувчи суюқликлар мажмуи.

Кўп корхоналар арзон *ёнилғи* билан ишлайди.

Ёқилғи — ўтин, кўмир кабилар мажмуи.

Йўловчи равоатга озиқ-овқат ва *ёқилғи* қўйиб кетса, унга ҳеч ким тегмаслигини билар эди.

(В. Иванов.)

ЁНОҚ — ЁНҒОҚ

Ёноқ — юзнинг (чехранинг) кўтарилган қисми, ўртаси.

(Ғуломжон) ... *ёноғини* онасининг ёниб турган ўтли *ёноғига* суртиб, паст товуш билан пичирлади.

(М. Исмоилий.)

Ёнғоқ — меваси қаттиқ қобиқ ичига ўралиб, думалоқ шаклда пишадиган кўп йиллик ўсимлик ва унинг ҳосили. *Ёнғоқни кўчат қилмоқ. Ёнғоқ чақмоқ.*

ЁРИҚ — ЁРУҒ

Ёриқ — дарз кетган, ёрилган.

Каромат *ёриқлари* зирқираб оғриётган яланг оёқлари ёнига тушган бурама калитини олиб, ташқарига отилган эди.

(М. Исмоилий.)

Ёруғ — равшан, нурли. *Ёруғ хона. Ёруғ синф.*

Уй кичкина, лекин *ёруғ* ва тоза эди.

(Ойбек.)

ЁҚ — ЁҒ

Ёқ — томон, тараф.

Мадаминхўжанинг хирмони дала этагидаги каттакон тол тагида эди. Ота-бола ўша *ёққа* қараб кетди.

(М. Исмоилий.)

Ёғ — мой, жир.

Меҳри зиғир *ёғидай* кўнглига урган насихатни яна чидам билан эшитди.

ЖАЗЛИК — ЖАЗЛИҚ

Жазлик — бир овқатга лойиқ жаз.

Мана энди *жазлик* ҳам сероб, чўмичимиз мой устида.
Жазлик — одатда тўқим тагига солинадиган наMAT-таглик (от асбоби).
Мулла Дилкаш *жазликқа* зарб билан бигизни санчди.

(*Ғ. Ғулом.*)

ЖАЙРОН — ЖИЙРОН

Жайрон — кийикнинг бир тури.

Султон Хусайн моҳир овчилардан бўлиб, саройда кўпинча у отиб келган *жайрон* ва ёввойи ўрдакларнинг барра гўшtlаридан таомлар тайёрланарди.

(*Л. Батъ.*)

Жийрон — қизғиш тусли от.

Ҳой сен *жийрон* тойчамдек,

Ўйнаб-ўйнаб оққан сув!

Далаларга байрамдек

Гулдан безак таққан сув!

(*З. Диёр.*)

ЖОДИ — ЖОДУ

Жоди — беда, маккажўхори кабиларнинг поясини майдалайдиган қўл асбоби.

Бола... супурар, ахлат ташир, кечқурун қароллар даладан келганларида, отларга *жодид* беда қирқишар эди.

(*М. Исмоилий.*)

Жоду — сеҳрли, афсункор, фусункор, мафтун қиладиган.

Жоду кўзларини яна бир кўриш, ҳеч бўлмаганда, у кўзлар эгасининг кимлигини билиш истаги билан Ғуломжоннинг юраги тепарди.

(*М. Исмоилий.*)

ЖО — ЖОЙ

Жо — дилга жо қилмоқ, кўнгилга жойлаштирмоқ

Ўзи ёзган асарини дилига *жо* қилиб олган драматург то ўйин охиригача актёрларнинг қиладиган ҳаракатидан тортиб, ҳар бирининг гапирадиган гапини ёдаки, тўхтовсиз айтиб бериб турди.

(«*Сов. Ўзб.*»)

Жой — бирор нарса жойлашадиган макон, ўрин. Кейин йигирмадан ортиқ одамларга мўлжаллаб ҳовлига *жой* қилинди

(«*Ўзбекистон маданияти.*»)

ЖУДА — ЖУДО

Жуда — ниҳоятда, энг.

Одатда, ўзаро *жуда* яқин одамларгина бир-бирига шундай оҳанг билан гапиришга ҳадди сиғади.

(*А. Мухтор.*)

Жудо — бирор нарса ёки кимсасидан айрилмоқ айирмоқ, *жудо* бўлмоқ. *Жудо* қилмоқ.

(Миша Комилга) Мен бир одамимдан *жудо* бўлдим, аммо юзлаб гўдакнинг жони саломат қолди.

(*Уйғун.*)

ЗАМИН — ЗОМИН

Замин — таг, асоси, таянч.

Фашист босқинчиларини армия тор-мор қилгандан кейин мустамлакачиларнинг *замини* ларзага келди.

(«Сов. Ўзб.»)

Зомин: зомин бўлмоқ — айбдор, сабабчи. Шундай яхши хотиннинг умрига *зомин* бўлганидан жазосини ҳам тортишинг керакда.

(Ғ. Ғулом)

ЗИЙРАК — ЗИРАК

Зийрак — диққат эътиборли, ҳушёр, тийрак.

У шўх, *зийрак* кўзлар билан ҳар томонга қарайсан: Ширин, чучук сўзлар билан қарашларни тарайсан.

(Ҳ. Олимжон.)

Зирак — аёлларнинг кулоққа тақадиган безаги, сирға, балдоқ.

Нури кийинишни, безакни севар эди. *Зирак* билан узук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби буюмлардан кути-кути йиққан.

(Ойбек.)

ИЖОБИЙ — ИЖОДИЙ

Ижобий — яхши, дуруст, маъкул.

Ёзги имтиҳон сессияларида *ижобий* ютуқларга эришилди.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

Ижодий — ижодга оид. *Ижодий иш* баҳоланди.

ИЛИК — ИЛК

Илик — ичида ёғи бўлган суяк. *Иликни қоқиб емоқ.*

1. У *илик-иликларидан* дармон кетиб, йиғлаб ётган касалдек беқувват эканлигини сезди.

(Шухрат.)

2. Ош есалар ўртада сарсон *илик*,
Хўжа чироқ ёғи, Ҳакимжон пилик.

(Муқимий.)

Илк — дастлабки, бошланғич. *Илк ижод. Илк баҳор.*

Бу расмларни гўё *илк* дафъа кўргандек завқланиб томоша қиларди.

(Ойбек.)

ИНДАМОҚ — УНДАМОҚ

Индамоқ — овоз чиқармаслик, гап очмаслик.

Агар қорининг ўзи *индамаса*, Элмурод у билан гаплашишдан мутлақо қочар эди.

(П. Турсун.)

Ундамоқ — бирор нарсага даъват этмоқ.

Фурқат халқни маърифатли бўлишга *ундади*.

ЙЎЙМОҚ — ЁЙМОҚ

Йўймоқ — бирор гап туш кабиларни таъбирини айтиб бермоқ.

Чолнинг холисона гапларини у ўзича ёмонликка *йўйди*.

(М. Исмоилий.)

Ёймоқ — тарқатмоқ, ёзиб юбормоқ.

Тўраҳон қизарди. Бу қизариш унинг чиройли юзига яна ҳам чирой *ёйди*, сахар очилган қизил

гулдай очилди.

(М. Исмоилий.)

ЙЎҚЛАМОҚ — ЁҚЛАМОҚ

Йўқламоқ — бирор муносабат билан нарса ёки кимсани сўрамоқ, совға қилиб бормоқ.
Чақалоқни йўқламоқ.

Биз уларни йўқласак, улар бизни истайдилар.

(Н.Сафаров.)

Ёқламоқ — ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ.

Кимки уни ёқлаб, бўлса шавкатда,

Ўз бошини ўйлаб кўрсин, албатта.

(Бедил.)

КАВШ — КОВУШ — КОВШ

Кавш: кавш қайтармоқ — овқатни яхши ҳазм қилиш учун чайналмоқ (хайвонлар ҳақида).

Юлдуз кўклами — чакнайди осмон,

Кавш қайтарар туя хушхол.

Ковуш — оёқ-кийимининг бир тури.

Бойларнинг этақларларини ўпиб, *ковушларини* тозалаб, «рўзи қалам» пешонага нима ёзган бўлса, шу экан деб умрим оқар сув каби ўтиб кетди.

Ковш — экскаватор чўмичи.

Бош қурувчи сифатида, у мартен ишини бевосита кузатиб туриши ва *ковшга* эриган пўлатни ўз вақтида оқизиши лозим эди.

(«Тошкент ҳақиқати».)

КАЗАК — ҚОЗОҚ

Казак — *Тар.* Москва русида ва қадимги Украинада чекка ўлкаларга кўчиб бориб ўрнашган деҳқонларнинг ҳарбийлашган жамоалари, аъзолари ва улар авлодидан бўлган кишлар.

Аммо, Александр сўзини тамомламасданок, аллаким бирдан қичқирди: — *Казаклар!*

(Гоголь.)

Қозоқ — Қозоғистоннинг асосий аҳолисини ташкил этувчи маҳаллий халқ.

Қариндошим, туғишганим,

Улкан *қозоқ* омон бўл.

Тиниқликда осмон бўл-у,

Доимийликда жаҳон бўл!

(Ғ. Ғулом.)

КАМЁБ — КАМОБ

Камёб — кам топиладиган, кам учрайдиган.

Шакаркамиш тропик иқлимда ўсадиган *камёб* ва қимматли ўсимликдир.

(«Сов. Ўзб.»)

Камоб — суви кам, танқис.

Ҳозир Мирзачўлда *камоб* ерлар қолмаган.

(«Сов. Ўзб.»)

КАМПАНИЯ — КОМПАНИЯ

Компания — хўжалик ёки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим масалани амалга ошириш мақсадида маълум муддат ичида ўтказиладиган иш. *Сайлов кампанияси.*

Пахта *компаниясини* зўр уюшқоқлик билан ўтказиш бизнинг муҳим вазифаларимиздандир. («Сов. Ўзб.»)

Компания — шериклар, ширкат.

Улар Сувайш канали *компаниясини* национализация қилишга Мисрнинг «ҳаққи йўқ» деб исбот» қилмоқ учун ўзларининг бутун сўзамолликларини ишга солдилар.

(«Сов. Ўзб.»)

КАРТА — ҚАРТА

Карта — *геогр.* харита.

Синф деворининг бир томонига сиёсий карта осилган эди.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

Карта — овқатга ишлатиш мақсадида, отнинг йўғок ичагидан махсус тайёрланадиган қазининг бир тури.

Боқ отингни арпа билан,

Боқар қазии-қарта билан.

(Мақол.)

КАРТОЧКА — КАРТОШКА

Карточка — катта-кичик варақа шаклидаги қоғоз. *Картотека карточкаси. Карточкага ёзмақ.*

Муродов ёш коммунистларга партия ва кандидатлик *карточкалари* топшираётган эди.

(И.Раҳим.)

Картошка — ҳосили ер остида бўладиган сабзавот ўсимлик ва унинг маҳсули.

Дехқон бозорида мева ва *сабзавот* жуда кўп эди: олма, узум, помидор, картошка, карамлар...

(«Тошкент ҳақиқати»)

КАСБ — КАШФ

Касб — ҳунар, ихтисос.

Касбнинг ёмони бўлмайд.

Кашф — ихтиро қилмоқ, кашф этмоқ, яратмоқ, ижод этмоқ.

Радиони рус олими А. С. Попов *кашф* этган.

КАФЕ — КОФЕ

Кафе — кофе ичиладиган жой, қаҳвахона. *Кафеда ўтирмақ. Кафега кирмақ.*

Кофе — қаҳва. *Кофе ичмақ.*

Ангола *кофе* етиштириш жиҳатдан Америкада олдинги ўринлардан бирида туради.

(«Сов. Ўзб.»)

КАФЕЛЬ — КАФИЛ

Кафель — кошин чиннига ўхшаш рангли, нақшли, йилтироқ ғишт плитка (биноларнинг деворига ишлатилади).

Украиналикларнинг ишлаган биноларининг деворлари *кафель* билан қопланган.

(«Сов. Ўзб.»)

Кафил — гаров.

Мулла Обидга нисбатан берилган бу фазилатларни биз бунда исбот қилишга чалишмаймиз, ҳиссамизни давоми исбот учун *кафилдир*.

(А. Қодирий.)

КЕЧИНМА — КЕЧИРМА

Кечинма — кишиларнинг ички ҳолати.

Марказий образ ҳисобланган Олянинг ички *кечинмаларини* очиш ниҳоятда оғир ва мураккаблиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

(«Сов. Ўзб.»)

Кечирма — бошдан кечган ҳодисалар.

Буюк адиб С. Айний «Эсдаликлар»ида бошидан ўтган *кечирмаларини* муфассал акс эттира олган.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

КОМПЛЕКТ — КОНФЛИКТ

Комплект — бир бутунни ташкил этадиган нарсаларнинг тўлиқ тўплами, йиғиндиси.

1. Болалар кийимидан бир *комплект* олдим.

2. Бўлимдаги барча жиҳозлар ичида «Русские Ведомости» газетасининг *комплекти* борлиги ҳали ҳам эсимда.

Конфликт — жанжал, низо, тўқнашиш, тўқнашув. *Конфликт чиқаришга уринмоқ. Уйдирма конфликт изламоқ.*

КОМПАС — КОМПОСТ

Компас — уфқ томонларни кўрсатиш учун хизмат қиладиган асбоб.

Кема учун маяк, сайёҳ учун *компас*, ер учун қуёш азиз бўлгани каби биз ёзувчиларга ҳам бу раҳбарлик ана шундай зарур.

(«Сов. Ўзб.»)

Компост — ўт, пўчоқ; органик чиқиндилар билан тупроқ, торф аралашмасидан ҳосил бўладиган органик ўғит.

Вакил. — Бу йил қанча *компост* тайёрладинглар?

Раис. — Биз ҳали у нарсани «Узсельхозтехника»дан ташиб олганимиз йўқ.

(«Муштум».)

КОКС — КОКОС

Кокс — ҳавосиз қиздириш йўли билан кўмир, торф, нефть қолдиқларидан олинадиган ёқилғи.

Кокос — ёнғоқли мева.

МАҲАЛ — МАҲОЛ

Маҳал — вақт, дам, пайт.

Кеча шу *маҳалда* поезддан тушган эдим. Мана ҳозир самолётдаман.

Маҳол — амалга ошириш қийин, мушкул.

— Қиз, иккови, бир-бирини ўлгудай яхши кўргандан кейин айириш *маҳол*.

(Х. Ҳакимзода.)

МИЛК — МУЛК

Милк — тишни тутиб турадиган қисм, тиш ўрни.

Докторнинг кафтларида худди йигирма яшар йигитнинг оғзидан *милклари* билан кўчириб олингандай бир текис садаф тишлар халқаси ярқираб ётар эди.

(«Сов. Ўзб.»)

Мулк — бойлик, ер-сув, кўп миқдордаги маблағ.

Босмачилик йўқолса, бойлар *мол-мулкидан* жудо бўлишдан кўрқади.

(А.Қаҳҳор.)

МУРАББА — МУРАББО

Мурабба — тўрт томони баравар бурчак, квадрат (шеърятда тўртлик).

Чекиниш ҳамма ёмонлик мана шу сўзда, гапга аралашди, кенг *мурабба* юзли, қизил сочли жангчи Пахомов.

(Ойбек.)

Мураббо — қиём.

Дастурхонга турли-туман қанд-курс, мева-чева, анвои *мураббо*, гижда ва чап-чап патир, бўғирсоқлар билан зеб берилган.

(А. Қаҳҳор.)

МУРВАТ — МУРУВВАТ

Мурват — бураб очиладиган нарса; винт.

Ражаб бобо пўлат дарвоза тепасидаги *мурватни* куч билан бурай бошлади.

(Саид Аҳмад.)

Мурувват — мардлик юзасидан қилинадиган саҳоват, яхшилик, шафқат.

Бой ўз уруғинг экан, яхши *мурувват* қилар.

(Ойбек.)

НАВ — НОВ

Нав — бирор нарса хили, тури.

Олтин куз тугамокда, боғбонлар ширин-шакар меваларнинг кечпишар *навлари* ҳосилини йиғиштириб олмоқдалар.

Нов — ёмғир, сувларни оқизиш учун ёғоч ёки тунукадан махсус қилинган тарнов.

Мирхайдар тегирмоннинг *новлари* тепасида тўхтади.

(Ойбек.)

НАР — НОР

Нар — шер, мушук ёки қушларнинг эркаги.

Жўра: — Энди раис, бу иккала сояпар, нусхангдан топилмагур шери *нарларни* биздан оласиз.

(Ўйғун.)

Нор — бир ўрқачли туя.

Қаторда *норинг* бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб бежиз айтилмаган!— деди Остонакул.

(С. Абдуқаҳҳор.)

НАША — НАШЪА

Наша — чекиш туфайли кишига зарарли кайф берадиган модда ва шу модда олинадиган ўсимлик.

Қишлоқ юзбошилар, понсодлар, махсус зиндонлар, кўчалар *наша* чекиб олган яроғли йигитлар билан тўла эди.

(Ш. Мирзо.)

Нашъа — завқ, кайф, сафо

Тинчлик *нашъасидан* бўлиб баҳраманд,

Меҳнатда, курашда шонимиз баланд.

ОРДЕН — ОРДЕР

Орден — катта хизматлари учун кишилар ёки ташкилотларга бериладиган олий мукофот.
Ҳайдаров партия ва ҳукуматимизнинг энг олий мукофоти — Ленин *ордени* билан мукофотланди.

(«Сов. Ўзб.»)

Ордер — маълум нарсани олиш, қўлга киритиш имконини берадиган хужжат.
Кўпчилик янги уйларда яшаш учун *ордер* олди.

ОТАЛИК — ОТАЛИҚ

Оталик — *ота* сўзидан белги оти.
Оталик ҳиссининг бебаҳо, лазиз
Тўлқинлари ичра ғарқ бўлиб кетиб.
Азиз бошинг узра термулмоқдаман.

(*Ф. Фулом.*)

Оталиқ — бирор корхона ёки муассасанинг бошқа бир ташкилотни бирор ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз раҳбарлигига олиши.

Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих филология факультети Охунбобоев районидаги «Янги Фарғона» колхозини *оталиққа* олган.

ОҚИМ — ОҚИН

Оқим — бирор нарсанинг ҳаракат жараёни.
Чуқур дарёнинг *оқими* секин бўлади.

(«Ўзб. маданияти».)

Оқин — халқ шоири, бахши.

Мен Чу дарёсининг соҳилидаги кўчманчилар орасида кезиб, халқ эртакларини, бошқа *оқинларнинг* дostonларини ҳамда ўзим яратганларни мароқ билан айтиб юрар эдим.

(*Ж. Жабоев.*)

ОҚЛИК — ОҚЛИҚ

Оқлик — *оқ* сўзидан белги оти. *Қорнинг оқлиги кўзни қамаштиради.*
Уйимиз остини ёмонлар тешган бўлсалар ҳам, аммо киши сиғмас бўлганлиги мени *оқликка* чиқарди.

(*А. Қодирий.*)

Оқлиқ — сут-қатик маҳсулотлари.

Агар бўлса *оқлигинг*,
Билинмайди йўқлигинг.

(*Мақол*)

ОҒУ — ОҒУВ

Оғу — заҳар.

Мансабдорлардан кўрқ, чунки улар золим, конхўр одамларки, юраклари тошдай, тиллари *оғудандир*.

(*Ойбек.*)

Оғув — *оғмоқ* феълидан, иш оти.

Демак, централизмни бузиш, шубҳасиз, партиянинг ленинча принципларидан *оғув* бўлур эди.

(«Сов. Ўзб.»)

ПАЙ — ПОЙ

Пай — мускул.

Аҳмаджон ака эллик олтида бўлса ҳам, ҳали ёши қайтган эмас, вужуди кучга тўлиб-тошиб ётибди, билак, бел, кўкрак *пайлари* терини букаман дейди.

(М. Исмоилий.)

Пой — жуфт нарсаларнинг (кўпинча оёқ кийимларининг) бири. *Бир пой этик. Пойма-пой калиш.*

Қамбарали ечган бир *пой* калишини кийиб олди.

(А. Қаҳҳор.)

ПАЙДО — ФОЙДА

Пайдо: пайдо бўлмоқ— юзага чиқмоқ, юзага келмоқ, ҳосил бўлмоқ.

Ҳуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо, эй шўхи паризод,

Солдинг ани ишқинг бошима кулфати савдо, ишва қилиб бежо.

(Чокар.)

Фойда — наф, манфаат.

— Умримда бормаган жойимга қанақа қилиб бораман?

Менинг боришимдан нима *фойда*?

— *Фойда* бўлмаса, зиён ҳам йўқ-ку.

(А. Қаҳҳор.)

ПАКТ — ФАКТ

Пакт — сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро шартнома, битим.

Энг агрессив империалистик йиртқичлар Советларга қарши блоклар туздилар... ҳарбий *пактлар* туздилар.

Факт — далил, асос.

Тожибой буларни кўз юмиб санамокда. Қуруқ *фактлар* ҳаммаси унинг эсида. Лекин у *фактларни* анализ қилишни, сара-пучагини ажратишни билмайди, холос.

(П. Турсун.)

ПАЛАК — ФАЛАК

Палак — гул солинган чойшаб, сўзана.

Капалакжон, капалак,

Баҳордан бердинг дарак.

Нусхангдан тикдим *палак*,

Жажжи гўзал капалак.

Фалак — осмон гумбази, осмон, кўк.

Норматнинг назарида кўкнинг бир парчаси ерга кулаб тушган-у, ундаги булутлар яна *фалакка* кўтарилиш учун интилмоқда.

(И. Раҳим.) :

ПАН — ФАН

Пан — Польшада, революциядан олдинги Украина ва Белоруссияда — помешчик, бой.

Эҳе, Польша *панлари* украин халқига озмунча зулм ўтказдими? — дейди Игорь Васильевич.

Фан — илмлар мажмуи.

Совет *фани* шундай тараққий этдики, ҳатто бунга душманлар ҳам қойил қолмоқдалар.

(«Сов. Ўзб.»)

ПАНТОН — ФОНТАН

Пантон: Пантон кўприк — сув устига вақтинча қурилган кўприк.

Ротамиз дарёдан ўтиш учун *пантон* кўприк қурди.

Фонтан — труба ёки тешиклардан юқорига қараб отилиб турган сув, фаввора.

Хонни кутиб туриш кўйида,

Сачраб турган *фонтан* бўйида,

Ипак гилам узра ўйнашиб,

Бир тўда шўх қизлар осуда,

Ўлтиришар эди яйрашиб.

(А. С. Пушкин.)

ПАНЕЛЬ — ФАНЕР

Панель — бинокорликда кснг қўлланиладиган темир-бетон плита.

Ўзбекистонда йирик *панелли* уйсозлик саноати янгидан вужудга келтирилди, кудратли цемент заводи барпо этилди.

(«Сов. Ўзб.»)

Фанер — жуда юпқа тахталардан қат-қат қилиб тайёрланган; бинокорлик, мебель саноатида ишлатиладиган материал.

Ҳовузнинг ўртасида аллақанақа қоғоз яшиқ ярмигача сувга ботиб, қийшайиб ётибди ва шапканинг гардиши, *фанер* парчаси сузиб юрибди.

(А. Қаҳҳор.)

ПАПИРОС — ПАПИРУС

Папирос — чекиш учун тамаки тикилган қоғоз найча.

Аҳмад Хусайн астагина *папирос* чекди. Меҳр-муҳаббат тошган, бир лаҳзагина бахт, шодликдан жилва берган кўзлар тўқнашди.

(Ойбек.)

Папирус — тропик мамлакатларда ўсадиган қамишсимон ўсимлик, қадимги Миср ва бошқа халқлар томонидан тайёрланган қоғоз.

ПАР — ФАР(А)

Пар — иссиқлик натижасида кўтариладиган буғ.

Пар билан иситиладиган печ трубалар эндиликда аста-секин газ билан иситилмоқда.

Фар(а) — транспорт машиналари, трактор кабилардаги рефлекторли фонарь.

Фар(а) ёритиб турган анҳор устига қурилган кўприкнинг панжараси ғира-шира кўринарди.

(Г. Брянцев.)

ПАРОВОЗ — ПАРОВУЗ

Паровоз — буғ двигателли локомотив.

Бандитлар қоронғу зулмат кечаларининг бирида Лазо ва унинг ўртоқларини қопларга солиб *паровоз* депоси ёнига олиб келдилар.

Паровуз— *диал.* тўн, кўрпа кабиларнинг четига тикиладиган мағиз.

ПАСТА — ПАСТДА

Паста — медицина, косметика кабиларда қўлланиладиган хамирсимон дориларнинг номи. *Тиш пастаси*.

Кундалик турмушимизда синтетик ювиш воситалари — порошоклар, *пасталар* ва суюқликлардан кенг фойдаланамиз.

Пастда — пастликда, қуйида.
Биз *пастда*, амаким 2-қаватда яшайдилар.

ПАҚИР — ФАҚИР

Пақир — челақ, сатил.

1 *пақир* сув кимнинг отасини ўлдирибди, шўримга шўрва тўкилиб қолган экан-ов, — деди Ҳосият хола эшикда серрайиб турган эрига қараб.

(«Сов. Ўзб.»)

Фақир — камбағал бечора.

1. Аҳмад Хусайн ақлли, олижаноб,... аммо *фақир*, камбағал йигит.

(Ойбек.)

2. Инсон қашшоқ эмас, ҳарчандким *фақир*,

Ё магар эғнида пўстин бўлмаса.

Бой бўлсанг ҳам сенсан қашшоғу ҳақир

Дунёда ягона дўстлик бўлмаса.

(Б. Кербобоев.)

ПЕНАЛ — ФИНАЛ

Пенал — қалам, ручка кабилар солинадиган махсус қутича, қаламдон.

Раҳим *пеналидан* турли қаламларни олиб столга қўйди.

Финал: финал ўйин — бирор нарсанинг (спортнинг бирор тури, шунингдек, асар ёки концертнинг) охири қисми.

У «Кўзларинг кўҳлик сенинг» романсини айтганда ашуласининг одатдаги *финали* ҳали ҳам эсимда.

ПОЛ — ФОЛ

Пол — хона ёки айвонга текис қилиб қоқилган тахта.

Топ-тоза қилиб ювди қиз *полни*,

Сўнгра ясаб қўйди столни.

(М. Зайниддинова.)

Фол — одатда кишининг ўтмиши ёки келажагини олдиндан «айтиб бериш», сохта башорат.

Менинг ишим *фол* кўриш,

Доим ёлғону шўр иш.

(Ҳ. Ҳакимзода.)

ПОЕЗД — ФОИЗ

Поезд — локомотив ёрдамида ҳаракатга келадиган, бир-бирига уланган вагонлардан иборат состав.

Поезд тайёр жўнамоққа,

Вокзал тўла йигитга.

(Ҳ. Олимжон.)

Фоиз — яхлит бирлик деб қабул қилинган сон (миқдор) нинг юздан бир улуши, процент.

Ахир, халқнинг тўксон *фоизи* саводсиз мамлакатда муаллимлик ҳурматиға сазовор эмасми!

(Ойбек.)

ПОСТ — ПЎСТ

Пост — масъулиятли лавозим, ўрин. *Директорлик пости*.

Пўст — бирор нарсанинг сиртки қобиғи, пўстлоғи. *Толнинг пўсти*. *Теракнинг пўстини*

шилмоқ.

Қизча *пўсти* арчилмаган сабзи кемириб турибди.

(П. Турсун.)

ПОЧА — ПОЧЧА

Поча — шим, лозим кабиларнинг тиззадан пастки қисми.

Қўшнинг бир ёғидаги эркак яланғоч, қирқ ямоқ иштоннинг *почалари* тиззаларидан юқорига чиқариб шимариб олинган.

(М. Исмоилий.)

Почча — опанинг эри.

Нега қувар экан, *почча?*— деди у, болалар товуши келиб турган ҳовлига кириб. — То *поччам* тузалиб келгунларича ёнингиздан жилмаймиз.

(Х. Фулом.)

РАВОН — РОВОН

Равон — тўғри, текис, силлиқ. *Равон йўл.*

Ёмон йўлдош ёв бўлар,

Равон йўлда ғов бўлар.

(Мақол.)

Ровон — *диал.* айвон.

Қайин ёғочлардаи ишланган *ровонда* бир йигит лаган кўтариб, мулойим жилмайиб турарди.

(Ш. Рашидов.)

РАЗМ — РАМЗ

Разм — кўз ташлаш, қараш, нигоҳ.

Сен унга ҳеч нима дема, аммо юриш-туришига *разм* сол.

(Ойбек.)

Рамз — символ, белги.

Пахта ўзбек халқининг ифтихори, унинг бошқа қардош халқлар билан дўстона алоқасининг *рамзидир.*

РАСО — РОСА

Расо: ақли расо — доно. *Ақли расо йигит* (Устози Эралихонга) —

Ақлиинг *расо*, дуо қилар жамоат.

Мен сенинг қурбонинг бўлай Эрали.

(«Эрали ва Шерали».)

Роса — жуда, ниҳоятда.

Аҳмад Хусайн *роса* очикқан эди.

(Ойбек.)

РЕАЛ — РИАЛ

Реал — ҳақиқий, ҳаққоний.

Ёзувчи ўз асарида *реал* воқеликни тўлиқ акс эттириши керак.

(«Ўзб. маданияти».)

Риал — Эронда пул бирлиги.

Эронда пул бирлиги: 100 *риал* 12 сўм 40 тийинга тўғри келади.

РОЛЬ — РУЛЬ

Роль — кино ёки сахнада яратиладиган драматик образ ва унинг нутқи. *Сахнада ролни ижро этмоқ.*

Тўғарак қатнашчилари пьесани қўйишга қарор қилганларидан кейин, *роллер* тақсимланди.
(Ф. Жўраев.)

Руль — баъзи транспорт воситаларида бошқариш механизми.

Машинамизнинг *рули* ярашган қўлимизга,
Меҳнатдан орден олдик нур сочди йўлимизга.

САВСАР — САФСАР

Савсар — терисидан мўйна сифатида фойдаланиладиган сув хайвони ва унинг териси.

Ҳаётхон келтирган қийқни белимга боғладим, бошимга *савсар* телпакни бостирдим.
(М.Исмоилий.)

Сафсар — гул тури, ранг.

Улар... *сафсар*, пушти ранг, ойна билан безалган ровон эшиги олдида ковушларини ечиб ичкари кирдилар.

(М. Исмоилий.)

САЙИЛ — САЙР

Сайил — оммавий томоша, байрам.

1. Буқун *сайил*, ўйнашар ёш қизлар.

(Х. Ҳакимзода.)

2. Айни баҳор кулган чоғ эди,

Сайил жойи сўлим боғ эди.

(Э. Воҳидов.)

Сайр — томоша қилиш, айланиб юриш, кезиб юриб ҳордиқ чиқариш.

1. Келиб боғ *сайридин*

Эркин ўз назмига тўлқин изларди,

Кириб келди икки дўсти

Бири Сайёр, бири Тўлқин.

(Э. Воҳидов.)

2. На кўкнинг фонари ўчмасдан,

На юлдуз *сайр* этиб кўчмасдан,

Тонг кулмасдан бурун турарди.

(Уйғун.)

САЛЛОҲ — САЛОҲ

Саллоҳ — мол сўядиган мутахассис, қассоб.

Улар — *саллоҳ* пичоғию, биз эса —бўғиз.

(Н. Ҳикмат.)

Салоҳ — *эск.* ҳаққонийлик, тўғрилиқ.

Тинч йўл билан, осойишталик билан икковлари уриниб, мени енга олмагач, *сулҳ-салоҳга* келишди.

(Ғ. Фулом)

САЛМОҚ — СОЛМОҚ

Салмоқ — бирор нарса ёки кимсанинг салобати, оғирлиги. *Салмоқ билан гапирмоқ.*

Машина *салмоғи* билан дарахтга урилди.

Солмоқ— бирор идишга куймоқ, куйиб қўймоқ.

Заҳар *солмоқ* эмиш касби илоннинг
Зулм аждарлари озори жоннинг.

(Уйғун, И. Султон)

САРОБ — САРРОФ

Сароб — аслида йўқ, лекин узоқдан кўзга шарпа бўлиб кўринадиган «нарса».

Мен Абдулла Қаҳҳорнинг «*Сароб*» романини ўқиб чиқдим.

Сарроф — пул майдаловчи.

Сарроф ҳинди менинг севганларимдан биттаси эди. У келганда, айниқса, менинг оёғим олти, қўлим саккиз бўлиб хизмат қилар эдим.

(*Ф. Фулом.*)

СОДА — СОДДА

Сода — карбонат кислотани бир қатор натрийли турлари бор. Уларнинг медицина ва кулинарияда ишлатиладиган бир тури, бикарбонат.

Полнинг буёғи кетиб қолмаслиги учун ҳеч қачон совун ёки *soda* қўшилган сув билан ювманг.

(«*Саодат*».)

Содда — оддий, жўн софдил.

1. *Содда* сири — тилида,

Писмиқ сақлар дилида.

(*Мақол.*)

2. *Содда*, ёқимли ва кийимлари ўзига ярашган қизнинг гўзал киёфасига мулойим табассум ила Аҳмад Хусайн қараб қўйди.

(*Ойбек.*)

СЕКЦИЯ — СЕССИЯ

Секция — ташкилот, муассаса, жамият кабиларнинг маълум бўлими.

Пўлатжон ўз устида машқ қилишни давом эттириш билан бирга, кураш ишқнбозларидан 15 йигитни танлаб, колхозда кураш *секциясини* ташкил қилди.

(«*Ёш Ленинчи*»)

Сессия — коллектив ва сайланма органларнинг, суд, илмий ташкилот ва жамиятларнинг маълум вақтда чақириладиган мажлиси.

СССР Министрлар Советининг раиси 30 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг XV *сессия* делегатларига бағишлаб зиёфат берди.

(«*Сов. Ўзб.*»)

СЕРОБ — СИРОП

Сероб — кўп, кўп миқдорда.

Қори тугунчани ичидаги ўриқдан иккитасини Содиқжонга узатди.

— Зап ўрик экан-да. Канал битиб, сув *сероб* бўлиб, боғ-роғ қилганимизда, албатта, шунинг донасидан экамиз.

(*А. Қаҳҳор.*)

Сироп — ширинлик солиб суюлтирилган мева шарбати, ширин ичимлик. *Сироп ичмоқ.*

СИЁҚ — СИЁХ

Сиёқ — бирор киёфада кўриниш, келбатли. Ботир *сиёқли* кишилар доврўқ солиб, ўлкамизда тобора кадр топмоқда.

Сиёҳ — ёзиш учуи ишлатиладиган ранг.
Столи устида қоғозу қалам,
Сиёҳга тўладир сиёҳдони ҳам.

(Ж. Жабборов.)

СИНТАКТИК — СИНТЕТИК

Синтактик — грам. синтаксисга оид.

— Ўртоқ Ахмедов, сиз доскага чиқиб, бир мисол ёзинг. Уни ҳам морфологик, ҳам синтактик таҳлил қилинг,— деди ўқитувчи.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

Синтетик — синтезга асосланган. *Синтетик каучуклар.*

Бизнинг саноатларимизда кўплаб синтетик каучуклар ишлаб чиқарилмоқда.

СИҚИМ — СИҒИМ

Сиқим — ҳовуч.

Зиёдахон қумғондан тоғорачага сув қуйди, бир сиқим туз ташлаб чайқади.

(А. Қаҳҳор.)

Сиғим — ҳажм, миқдор. *Сиғими катта идиш.*

Сув омборининг сиғими етти йиллик мобайнида 1,4 миллиард кубметр ошди.

СОБ — СОП — СОФ

Соб — бирор нарсанинг охири, тугаши тамом, адо. *Соб бўлди. Тамом бўлди. Соб қилмоқ.*

Уйни нима қиламан? Соб бўлган одамман,— гўнғиллади Нусратилла.

(А. Мухтор.)

Соп — бирор нарсанинг дастаси, тутқичи. Болтанинг сопи. *Кетмоннинг сопи.*

Ойимхон қошиқнинг *сопини* унга тўғрилаб қўйиб, шўрвадан олишга таклиф қилган эди, Гулсум танглайини чиқиллатиб, тўқлигини билдирди.

(П. Турсун.)

Соф — тоза, пок, мусаффо. *Соф олтин.*

Навоий — Ишончим зўр Гулим, сен соф эрурсен,

Баҳор осмонидан мусаффо эрурсен.

(Уйғун.)

СОВЛИҚ — СОҒЛИҚ

Совлиқ — урғочи қўй.

Бир *совлиғу*, беш қўзи

«Йўқолган эмиш ўзи».

Акт тузилиб, панада —

Пул санарди Матқўзи.

(Ўткир Рашид.)

Соғлиқ — сихат-саломатлик.

Тозалик *соғлиқнинг* гарови.

Тани соғлиқ — туман бойлик.

(Мақоллар.)

СОЛИҚ — СОЛИҲ

Солиқ — налог, ўлпон.

Ғофир. — Булар зулм, *солиқ*, пора, жузья, муҳрона каби офат-балолар чангалида хонавайрон

бўлган кафангадолар.

(Х. Ҳакимзода.)

Солиҳ — *эск.* эътиқод, талабларга қаттиқ риоя қилувчи, ҳаққоний, одил.

Қавмларимиз орасида ақли *солиҳлар* камайиб кетмоқда, эътиқод сусаймоқда, — деди Солиҳий.

(Х. Нуъмон.)

СОҲИЛ — СОҲИР

Соҳил — дарё, кўл, денгиз кабилар қирғоғи, чети. Немис пулемётчилари Днепр *соҳилини* кўрсатиб, нималарнидир гаплашдилар.

(Н. Сафаров.)

Соҳир — *эск.* ажойиб, антиқа, ғалати.

Навоий Хисравнинг *соҳир* қаламини ғоят самимий ва қизғин мақтади.

(Ойбек.)

СУДХҲҲР — СУТХҲҲР

СудхҲҲр — фойдахҲҲр, фойдаталаб одам. *СудхҲҲр бой.*

С. Айнийнинг «*СудхҲҲрнинг* ўлими» асари француз тилига таржима қилинган.

СутхҲҲр — сут ичувчи, сутни яхши кўрадиган.

Силос бер, ем бер, ҳашак бер, эй *сутхҲҲр*,

Бўлмаса оқ сутим кўзинг қилур кўр.

(Г. Бурхонов)

СУВОҚ — ШУВОҚ

Сувоқ — лой, кум, ганч, цемент кабилар бияи суваш процесси. *Сувоқ қилмоқ. Лой сувоқ.*

— Устидан чанг аралаш кум сувоқ берасиз-у, оппоқ бўр билай бўяйсиз, — деди Мавлонов.

(П. Турсун.)

Шувоқ — маҳаллий ўсимликларнинг ёввойи тури.

Шувоқ шифобахш ўсимлик бўлиб, таркибида турли глюкозалар, эфир мойи... бор.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

СУНМОҚ — СЎНМОҚ

Сунмоқ — *эск. кт.* узатмоқ, кўл билан бермоқ.

Олмани *сунди*, нигорим ол деди,

Олма билан бул кўнгилни ол деди.

Гар сўрасам олмасининг рангини

Не сўрарсан, ол рангли, ол деди.

(Навоий.)

Сўнмоқ — ўчмоқ, ёнишдан тўхтамоқ. Гениал тафаккур машғали *сўнди*.

(Лермонтов.)

СУРАТ — СУРЪАТ

Сурат — бирор нарсада (масалан, фотоаппаратда ёки қаламда) чизилган нусха, расм.

Уста Баҳром яхши одам экан, партанинг *суратини* яшаш тартибини қоғозга чизиб ҳам берди.

(М. Исмоилий.)

Суръат — темп; жадаллик.

Мен терим *суръатини* доимо ошириб келганман. Бундан буён ҳам ошираман. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин?

СУС — СУСТ

Сус — кўнгил сус кетмоқ. Бирор нарса ейиш ёки ичишни ниҳоятда истамоқ, хоҳламоқ.
Кўнглим олмага сус кетди.

Кунлардан бир кун бир мўйсафид бозорга балиқ олиб келди. Шокиржон буни кўрди-ю,
кўнгли сус кетди.

(«Муштум».)

Суст — сусткаш, секинлик билан (имиллаб) иш тутадиган.

Тожиддин Қосим уялиб, тортиниб, гўё тўйган куёндай, овқатни *суст* ея бошлади.

(Ойбек.)

СУЙМОҚ — СЎЙМОҚ

Суймоқ — севмоқ жони дили билан муҳаббат қўймоқ.

Суймаганга суйканма.

(Мақол.)

Сўймоқ — пичоқ билан ҳайвон, паррандаларни ёки анор каби меваларни кесмоқ, қирқмоқ.

Қози пиёлани олдиға қўйди-да, *сўйилган* анордан катта бир бўлагини олиб, йирик, қизил
доналарини кафтига уқалай бошлади.

(М. Исмоилий.)

СЎТА — СЎТАК

Сўта — маккажўхори мевасининг жойлашадиган қисми.

Доналари марвариддай жўхори *сўтасини* отмоқчидай, бир дўқ қилди қизга.

(Ойбек.)

Сўтак — фаросати йўқ, бесўнақай, ақли калта, бефаҳм.

Тавба, кечагина сўлақайини эплай олмай юрган *сўтак* бола ҳам шунчалик ўзгариб
кетадими!

(«Муштум».)

ТАБАҚА — ТАВАҚА

Табақа — кишиларнинг ижтимоий қатлами, ижтимоий гуруҳ.

Шахсий тажрибам, одам *табақаларининг* хислат ва хусусиятларини ўрганишим бўлса, бу
тушунчамни тасдиқ, таъкид ва мустаҳкам қилди.

Тавақа — эшикнинг очилиб-ёпилиб турадиган ҳар бир томони, қаноти.

1. Мен одатда даҳлиз эшигининг бир *тавақасини* жўрттага очиб қўярдим.

2. Занжир «шиқ» этиб тушиб, дарвозанинг бир *тавақаси* очилди.

(Ҳ. Фулом.)

ТАБИАТ — ТАБИИЁТ

Табиат — инсонни ўраб турган ва инсон фаолиятисиз яралган моддий борлик.

Табиатнинг мрамар танли, гул сочли эрка қизи — тонг оқариб келади.

(Уйғун.)

Табиийёт — табиат ҳақидаги фан.

Содиқ Мўрзаев шарқ халқлари тилларининг нуқтадони бўлгани ҳолда, *табиийёт* фанини
ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшди.

ТАКСА — ТАКСИ

Такса — товар, хизмат ва ҳоказоларга оид қатъий белгиланган баҳо.

Империалистик мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари *таксаси* кундан-кун ошиб бормоқда.

Такси — кира қилувчи автомобил.

Ҳамма *такси* ҳайдовчиларининг ташаббусига қўшилдилар.

(«Тошкент ҳақиқати».)

ТАМБУР — ТАНБУР

Тамбур — пассажир вагонларнинг бир-бирига уланадиган жойидаги ёпик даҳлизча.

Оля поездга югурди, вагон *тамбурига* кириши билан ғилдираклар муз кўчгандай товуш чиқариб қимирлади.

(Ў. Умарбеков.)

Танбур — торли миллий музика асбобларидан бири. *Танбур чалмоқ*.

Тухматчиларга ҳақиқатни исбот қилмоққа уриниш хўкизнинг қулоғига *танбур* чертмоқ билан баробар эмасми?

(Ойбек.)

ТАНГ — ТОНГ

Танг — ёмон аҳволга тушиб қолиш. *Аҳволи танг. Вақт танг.*

Кими сайёҳ, кими қароқчи,

Ҳар бирининг дарддан қалби *танг*.

(Ойбек.)

Тонг — туннинг тугаш, кундузнинг бошланиш пайти

Тонг ажойиб бир пайт, тенги йўқ ҳусн,

Гўзал табиатнинг дилбар лавҳаси.

Йил — китоб. Ҳар кундуз ундан бир варақ,

Тонг эса варақнинг гул сарлавҳаси.

(Уйғун.)

ТАРИФ — ТАЪРИФ

Тариф — расмий суратда белгиланган йиғим, солиқ, тўлов, иш ҳақи, кира ҳақи кабилар мажмуи. Темир йўл *тарифи*. Почта *тарифи*.

Бунда кунлик *тариф* ставкалари жуда аниқ ва ҳатто, бир тийиннинг юздан бир улушигача ҳисобланади.

Таъриф — ифодалаш, ифода.

Ўзбек деҳқонининг ўтмишига қисқача тўхтагач, келажак перспективасини *таърифлашга* ўтди.

ТААССУБ — ТААССУФ

Таассуб — маълум йўл ёки оқимга ниҳоятда эътиқод қўйган, содиқ.

Эйки сизлар, то *таассуб* бирла даврон этдингиз,

Миллати мазлума аҳволин паришон этдингиз.

(Аваз Ўтар.)

Таассуф — *эски. кт.* афсусланиш, ачиниш. *Таассуф билдирмоқ*.

— Таксир,— деди у, тиз чўкиб турган ерида қўл ковуштириб, мулла Ғулом Амир Мирзога *таассуф* қилиб, мадрасани тарки абад қилмоқ азминдадир.

(М. Исмоилий.)

ТАФСИЛ — ТАФСИР

Тафсил — бирор иарсанинг тўлиқ, мукаммал ҳолати, мукаммаллик. *Тафсили билан гапириб бермоқ.*

Ҳасаналининг сўровчига бекнинг қиз ёқтирмаслитини сабаб кўрсатиб, шу кунгача уйланмай келганлигини *тафсили* билан ҳикоя қилиб беришидан сўнг, у (Ҳомид) тоқатсизлангандек бўлди.
(А. Қодирий.)

Тафсир — *эски. кт.* бирор нарсага берилган изоҳ, шарҳ, тушунтириш.

Аҳмадхўжа ўз хатида, мадрасаи олияда *тафсир*, хадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ёзган эди.

(М. Муҳаммаджонов.)

ТЕКИС — ТЕКСТ

Текис — тўғри, силлик, ғадир-будур бўлмаган.

Комилжон чигитни *текис* ундириб олиш ғамида.

(А. Қаҳҳор.)

Текст — ёзилган, кўчирилган ёки босилган бирор асар парчаси.

Китоб расмларининг ўзига хослиги ва бошқа тасвирий санъат асарларидаи фарқи шундаки, у *текст* билан боғлиқ бўлади.

(«Ўзб. маданияти».)

ТЕРИ — ТИРЕ

Тери — одам ёки ҳайвон баданининг сиртки қобиғи. *Тери касалликлари. Қўйнинг териси.*

Эти семиз, мойи йўқ,

Териси қалин, юнги йўқ.

(Топишмоқ.)

Тире — *грам.* горизонтал чизиқ (—) шаклидаги тиниш белги.

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келса, ундан олдин *тире* қўйилади.

(«Ўзбек тили» дарслиги.)

ТИЗ — ЧИЗ

Тиз — тартиб билан термоқ. *Мунчоқни ипга тизмоқ. Қалампир тизмоқ,*

Маржонимни ипга тизиб

Ўйнаб-кулиб кезаман

Ва бобомнинг расмин

Дафтаримга чизаман.

(Ғ. Ғулом.)

Чиз — чизиқ тортмоқ. *Қалам билан чизмоқ.*

Дарахтларнинг орқасидан қизил, кўк, пушти ва зангори *чизиқлар* билан товланиб турган камалак кўринди.

(И. Раҳим.)

ТИП — ТИФ

Тип — бирор нарсанинг тури, хили, кўриниши.

Боғдан 300—400 метр нарида янги *тинда* солинган мактаб биноси кўринди.

Тиф — юқумли касалликнинг номи.

Тиф касалига дучор бўлган киши тезлик билан докторга кўриниши шарт.

(«Саодат».)

ТОВЛАНМОҚ — ТОВЛАНМОҚ

Тобланмоқ — чиниқмоқ.

Николай Островский ўзининг «Пўлат қандай *тобланди*» романи билан адабиётга катта ҳисса қўшди.

(«Ўзб. маданияти».)

Товланмоқ — ҳар хил тусга кирмоқ, турли рангда ўзгармоқ. Ранг-баранг бўлиб *товланмоқ*.

Ипак курти ўрайди пилла,

Товланиб жилва берар оқ, сариқ тилла.

(М. Зайниддинова.)

ТОЛ — ТОЛЬ

Тол — барги узунчоқ, новдалари эгилувчан дарахт. Қора тол.

Жим оқаётган кичик бир анҳор бўйида мажнун толлар соч ёзиб турарди. (С. Зуннунова.)

Толь — картонга махсус модда шимдириб тайёрланган қурилиш материали.

Томни *толь* билан ёпиб қўя қолдик.

ТОРТ — ТЎРТ

Торт — ширин, егулик кондитер маҳсулотларидан бирининг номи.

«Унинг менга келтирган шоколад, *торт* ва писталари билан бутун синф таъминланиб турди», — десам бўлади.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

Тўрт — «3» билан «5» оралиғидаги рақам.

1. *Тўрт* иккига қолдиқсиз бўлинади.

2. Икки карра икки — *тўрт*.

ТУБ — ТУП

Туб — таг, асос, бирор жойнинг энг пастки қисми. Масаланинг туб *моҳияти*.

Пўлат найза қоп *тубида* ётарми,

Темир найза эговласанг ўтарми?

(Ф. Йўлдош.)

Туп — бир дона ўсимлик ёки дарахт кўчати. *Бир туп ўрик*.

Дехқонбой Ортиқов ҳар бир туп ғўзани ўз фарзандидек меҳр билан парвариш қилади.

ТУЗУМ — ТЎЗИМ

Тузум — система, тузилиш. *Капиталистик тузум*.

Европада қатор демократик *тузумдаги* мамлакатлар пайдо бўлди.

(Ойбек.)

Тўзим — сабр, тоқат, чидам.

Тўзимсиз битар,

Тўзимли ўзар.

(Мақол.)

ТОН — ТЎН

Тон — маълум оҳанг, товуш.

Ўқитувчимиз бу гал бошқачароқ *тонда* гапирди. Ҳаммамиз таажжубландик.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

Тўн — қалин устки кийим.

Бир бармоқча бўйи бор,

Қизил бахмал *тўни* бор.

(Топишмоқ.)

ТРАКТИР — ТРАКТОР

Трактир — Чор Россияси давридаги қахвахона, ресторан.

Трактир ишқибози неча дайди,

Келиб даврамни олди хираликла.

(А. Тўқай.)

Трактор — ер ҳайдайдиган қишлоқ хўжалик машинаси.

Трактор қалбининг ҳар бир «гуп-гупи»,

Томир уришидир етти йилликнинг.

(Ж. Жабборов.)

ТУШ — ТУШЬ

Туш — уйқуда кўриладиган воқеа ва ҳодисалар.

Тушда кўрдим ул парини эй сабо уйғотмагил.

(Э. Воҳидов.)

Тушь — чизмачилик ёки хат учун тайёрланган ҳар хил тусдаги махсус ранг, сиёх. *Тушь* билан чизилган табица.

Баъзи эсдалиқлар кўпинча у ёки бу йўл билан сиёх ёки *тушда* тасвирланмоқда.

(«Сов. Ўзб.»)

ТЎПОН — ТЎФОН

Тўпон — қипиқ, чор.

Ўзумни сиқиб олгандан сўнг *тўпонини* молга берамиз.

Тўфон — бўрон, довул.

Бугун Японияда бир мунча пасайган *тўфон* маркази Япон денгизи устига кўчди.

УЗОҚ — УЗОҒ

Узоқ — масофаси узун, йироқ.

Норбой шу тонгда *узоқ* сафарга — фронтга жўнайди.

(А. Раҳим.)

Узоғ — *диал.* *Узоғ йили* — ўтган йили.

Муқимий Обиджон «аълам» билан *узоғ* йили саёҳатга чиққанини мароқ билан эслади.

(С. Абдулла.)

УЗУҚ — УЗУҚ

Узуқ — аёлларнинг, қадимда эркақларнинг ҳам тақадиган зийнати, безаги.

Сизнинг бу ерга келганингиз *узукка* кўз қўйгандай бўлди-я.

(Уйғун.)

Узуқ — узилган, узилиб кетган, юлуқ.

Бирдан, шу шовқин ичида бўғиқ қаҳқаҳа эшитилди, кейин ҳайқириб айтилган бўғиқ-узуқ сўзлар эшитилди.

(М. Исмоилий.)

УЙ — ЎЙ

Уй — одатда яшаш учун қурилган махсус жой.

Ўз *уйим* дема, *уй* орқасида киши бор.

(Мақол.)

Ўз уйим — ўлан тўшагим.

(Мақол.)

Ўй — фикр, ҳаёл.

Аввал ўйла, кейин сўзла.

(Мақол.)

Ўйчи ўй ўйлагунча, таваккалчи уйига етар.

(Мақол.)

УЛИШ — УЛУШ

Улиш — *с. т.* Ит бўри кабиларнинг увлаши.

Бўриларнинг *улишини* эшитган итлар безовта бўлиб, у ёқ бу ёққа югура бошладилар.

Улуш — ҳисса, ўзига тегишли бўлак, қисм.

Биз ишонамизки, Америка меҳнаткашлари ҳам бутун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун ўз *улушини* кўшар.

УНДАШ — УНДОШ

Ундаш — *ундамоқ* феълидан иш оти.

Ундош — нутқ аппаратида ҳаво оқимининг тўсикка учраши туфайли ҳосил бўладиган товуш. *Ундош* товушлар талаффузи. Портловчи *ундошлар*.

Айтилганда оғиз бўшлиғида тўсикларга учраб, шовқин билан ҳосил бўладиган товушлар *ундош* товуш деб аталади.

(«Ўзбек тили» дарслиги.)

УРИШ — УРУШ

Уриш — *урмоқ* феълидан иш оти.

1. Ёш болани *уриш* ярамайди.

2. (Нормат) Қўйинг бой ака, *уриш* яхши эмас, деб бойнинг қўлини тутди

(С. Айний.)

Уруш — жанг, қураш.

Меҳнаткаш хотин-қизларнинг *уруш* давридаги мардлиги ва бардошлигини эслатувчи хотирани халқимиз муқаддас билиб, эсда сақламоқда.

УҚУВ — ЎҚУВ

Уқув — фаҳм-фаросат билан билиб олиш, фаҳмлаш.

Билим ҳам бор, *уқув* ҳам бор.

(П. Мўмин.)

Ўқув — *ўқимоқ* феълидан иш оти.

Янги *ўқув* йили бошланишидан олдин мактабда ота-оналар комитетининг йиғилиши ўтказилади.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

ФАБРИКАНТ — ФАБРИКАТ

Фабрикант — фабрика хўжайини, эгаси.

Капиталистик мамлакатларда *фабрикантлар* ишчиларни норозилигига қарамай ишлатмоқдалар.

Фабрикат — ярим фабрикат, батамом тайёрланмаган маҳсулот, хом маҳсулот. *Ярим фабрикатлар магазини*.

ФАСАД — ФАСОД

Фасад — бинонинг олд томони.

Тўрт ва беш қаватли бу уйларнинг ташқи кўриниши кўчанинг ҳуснига монанд эмас, уларда на пештоқ бор, на фасад.

Фасод — йиринг, модда. *Фасод боғлаган яра.*

Болалигида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг боғлаб, фасод йиға бошлади.

(С. Зуннуова.)

ФЕРМА — ФИРМА

Ферма — колхоз ва совхозларда чорвачиликнинг бирор тармоғи билан шуғулланувчи алоҳида ихтисослаштирилган хўжалик.

Қуралай кўз кўзичоқ,
Бўйнинг тақай мунчоқ,
Фермамизнинг серкаси,
Бўлдинг менга овунчоқ.

(М. Зайниддинова.)

Фирма — бирор савдо ёки саноат бирлашмаси.

Ўша вақтда Кўқон шаҳрига савдо *фирмалари* ва банклари уя сола бошладилар.

(С. Абдулла.)

ХАЛАЛ — ҲАЛОЛ

Халал — зарар, нуқсон, халақит.

Ҳар қачон ўз ҳукмини ўтказиб ўрганган одам, ишимизга *халал* берар деб ўйлайман.

(«Тошкент ҳақиқати».)

Ҳалол — соф, тоза.

У колхозга кирдию, қорни тўйиб нон еди, ҳалол меҳнат севинчини татиб, самарасини кўрди.

(А. Қаҳҳор.)

ХАЛОС — ХОЛОС

Халос — озод, эркин. *Халос этилган халқ. Халос бўлмоқ.*

Холос — фақат, фақатгина.

Мен сизга хушxabарни етказмоқчи эдим, *холос*.

ХАМ — ҲАМ

Хам — эгилган, букилган.

Ҳар учовлари бўйинларини хам қилиб, Маҳамат Оқилнинг олдига бордилар.

(Ғ. Ғулом.)

Ҳам — гап ёки тап бўлақларини боғлайдиган, боғловчи ҳамда кўмакчи вазифасида келувчи ёрдамчи сўз. *Ёмғир ҳам, қор ҳам ёғди.*

1. Эй Гулим, севгим ҳақи,
Майдин мени қилма жудо,
Менми ул ортиқ дема
Сен *ҳам* ширин, ул *ҳам* ширин.

(Э. Воҳидов.)

Даҳр аро мен чекмаган жабру жафолардин бири,
Қолдим *ҳам* кўрмаган дарду балолардин бири.

(Фурқат.)

ХАТ — ҲАД

Хат — ёзилган нарса, мактуб кабилар.

Хат ёзиб қуёшдан сўрамай изн,
Куннинг юзи билан ювдирдим юзин,
Катта умидларга тўлиб мамлакат,
Қуёш ўлкасига йуллади қизин.

(«Ўқитувчилар газетаси»)

Ҳад — чегара, меъёр

Ҳаддингдан ошма, хатга тушасан,

(Мақол.)

ХИЁЛ — ХАЁЛ — ҲАЯЛ

Хиёл — сал, салгина, бир оз.

Узун трубадан бурқсиб чиқаётган қуюқ тутун *хиёл* баландга кўтарилди-ю, енгил шабадага эргашиб ҳавога ғарқ бўлди.

(«Ўқитувчилар газетаси».)

Хаёл — ўй, фикр.

Энди, унинг *хаёлида* ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди.

(Ойбек.)

Ҳаял — қисқа вақт, фурсат, он.

Ҳаял ўтмай Дилшод югуриб чикди-да, ўз холаси ё аммасидай, Ольга Петровнани кўлидан ушлаб ичкарига тортди.

(М. Исмоилий.)

ХИЙЛА — ҲИЙЛА

Хийла — анча, анчагина, кўпгина.

Жилабухи қишлоғи учун бўлган жангда душмав беш маротаба қарши атака қилиб, ниҳоят *хийлагина* катта гуруҳи қуршовда қоладиган бўлди.

(А. Қаҳҳор.)

Ҳийла — найранг, фириб.

Одамнинг ёмони мулла,

Мулланинг иши доимо *ҳийла*.

(Мақол.)

ХИЛ-ХИЛ — ҲИЛ-ҲИЛ

Хил-хил — хилма-хил, ранг-баранг.

Жўяқларда экин тўлиб кетади,

Бир ёқда *хил-хил* гул, таъзим этади.

(М. Жалил.)

Ҳил-ҳил — ортиқча равишда пишиб етилган, керагидан ортиқча пишган; юмшоқ. *Хил-ҳил пишган олма. Ҳил-ҳил пишган гўшт.*

ХОЛ — ҲОЛ

Хол — баданда туғма равишда бўладиган қора бўртма, нукта, чиқик.

1. Манзуранинг юзидаги қора *холи* чиройига чирой кўшиб туради.

2. Агар кўнглимни олса ўшал Шероз жонони,

Қора *холига* бахш этгум Самарқанду Бухорони.

(Ҳофиз.)

Ҳол: ҳол-аҳвол — ҳолат, вазият.

Икки меҳмон бир-бирига қараб жилмайишди, ҳол-аҳвол сўрашди.

ХОМТАЛАШ — ХОМТАРОШ

Хомталаш — бўлиб-бўлиб таллашиб олиш. *Хомталаш қилмоқ. Хомталаш бўлмоқ.*

Гўштинг олақарғага *хомталаш* бўлгур, мен етиб боргунча ўт чимтиб турган экан.

(*Ғ. Ғулом.*)

Хомтарош — чала тарашланган, юза қирилган. *Ёғочни хомтарош қилмоқ. Хомтарош қилинган терак.*

ХУРМА — ХУРМО

Хурма — одатда сут-қатик солинадиган мўндисимон сопол идиш. *Хурмада тайёрланган қатик.*

Хурмо — жанубий мамлакатларда доим яшил бўлиб, тепасидан узун- узун барг чиқариб ўсадиган дарахт ва унинг жийдадан каттароқ, мазали, ширин ҳосили.

Хурмо мевасида 67% га қадар аъло сифатли қанд моддаси бўлиб, енгил ҳазм бўлади.

ХЎРЛИК — ҲУРЛИҚ

Хўрлик — хўр сўзидан белги оти.

Жохил қолсак дунёда,

Хўрлик келур зиёда.

Ҳайвон каби юк ташиб,

Чўл кезармиз пиёда.

(*Ҳ. Ҳакимзода.*)

Ҳурлик — хур сўзидан белги оти.

Ҳурлик деб тўкилган бу қон рангини

Юрак-юрагимдан қилгумдир эъзоз.

(*Ж. Жабборов.*)

ЧАККА — ЧАККИ — ЧЕККА

Чакка — ёмғир ёки қорнинг эриши туфайли ҳосил бўладиган томчи.

Капсанчиларда *чакка* ўтмаган уй кам қолди.

(*А. Қаҳҳор.*)

Чакки — бекор, бекорга, фойдасиз.

Коля, биласанми, менинг олдимда ажойиб бир йигит ўтирибди. Уни кассир қилиб олсанг, *чакки* бўлмайди.

(*«Муштум».*)

Чекка — чет, қирғоқ,

Мухаммад Жалол столнинг бир *чеккасига* ўтирди.

(*Ойбек.*)

ЧАЛҒИ — ЧОЛҒУ

Чалғи — тик туриб ўрадиган, тиғи бир томондан чиқарилган узун тутқичли катта ўроқ.

Эҳе, машина лиқ тўла темир асбоб. Бир хили *чалғи* ўроққа ўхшаб тиғи қайрилган.

(*Ҳ. Назир.*)

Чолғу — чалинадиган музыка асбобларининг умумий номи.

1. Ўргилай созандаларнинг

Сози ҳам *чолғусидан*.

(Ҳабибий.)

2. Бармоғила, гар ишора этса, у
Чолғу куйи эриб, бўлар эди сув.

(Бедил.)

ЧИРИК — ЧУРУК

Чирик — чириган нарса, чиринди.

Чурук — эскириб кетган, эски-туски (мато ҳақида). .

Сизларни *чурук* латтага тугиб, токчага ташлаш даражасига етган эдим.

(А. Қодирий.)

ЧУЧИМОҚ — ЧЎЧИМОҚ

Чучимок — чучук бўлмоқ, чучукланмоқ.

Ҳолва деган билан оғиз *чучимас*.

(Мақол.)

Чўчимок — кўркмок, ҳайикмок.

— Пашшангизни ҳайдасангиз-чи!

— Ҳайдасам, сизга кўнади, деб *чўчийман*, хўжайин.

(«Муштум».)

ШАЪН — ШОН

Шаън — шараф, шараф-шон; иззат-нафс.

Йигитнинг *шаънига* бу тўғри келмайди.

(Ғ. Фулом)

Шон — шуҳрат, доврўғ. Инсоний муҳаббат, садоқат, вафо.

Сенинг ҳам *шонингдир*, менинг ҳам шоним.

(Уйғун.)

ШАРАФ — ШАРОБ

Шараф — шон, олий ҳурмат. *Планни шараф билан бажарамиз.*

Биз яшаган шу кеча-кундуз

Севинч — *шараф шоннинг* ётоғи

Қайга борсанг, ўртоқлик ҳаёт,

Қайга борсанг, колхознинг боғи.

Шароб — *кт.* вино; спиртли ичимлик. *Шароб* ичмоқ,

Янги бахтлар шарафига кўтаринг *шароб*,

Яхшилиқлар ғолиб бўлсин, ёмонлик хароб!

(М. Шайхзода.)

ШАҲИД — ШОҲИД

Шаҳид — ҳаққоний, тўғри иш учун қурбон бўлган. *Шаҳид* бўлмоқ.

Шоҳид — гувоҳлик берувчи шахс, гувоҳ.

Аммо, мулла Мухсин алоҳида фикрда қолди... айбламоқ учун ақалли уч нафар *шоҳид* зарур», — дейди.

(А. Қаҳҳор.)

ШЕР — ШЕЪР

Шер — мушуклар оиласига мансуб, йирик ваҳший ҳайвон.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани *шер* бил.

(Мақол.)

Шеър — қофиядош қилиб ёки ритм қоидаларига асосланиб туриб ёзилган кичик поэтик асар, назм.

Навоий уч-тўрт ёшидан бошлаб жиддий, гўзал *шеърлар* ёза олган.

(Ойбек.)

ШИВИТ — ШУВИТ

Шивит — маҳаллий ўсимликлардан бирининг номи.

Ариқ бўйида *шивит*,

Шивитни сувга ивит.

Шувут — уят, юзи қоралик, шармандалик.

Юзим *шувут* бўлган: иложим қанча?

Элга етолмасман энди ўлгунча?

(Ғ. Ғулом.)

ШИПР — ШИФЕР

Шипр — атирнийг бир тури.

Ишдан қайтишда битта *шипр* ола кел.

Шифер — том ёпиш учун ишлатиладиган сланец ёки асбест билап цементдан тайёрланадиган бинокорлик материали.

— Уйимизни ремонт қилмоқчи эдик. Толни олиб ташлаб, ўрнига *шифер* ёпмоқчимиз, — деди Назир ота.

(«Тошкент ҳақиқати».)

ШОХ — ШОҲ

Шох — бутоқ, шох-шабба.

Шох-шаббалар тагидан,

Ўрмонлар этагидан

Жонажон халқ келарди,

Йўл ёқалаб еларди...

(Ҳ. Олимжон.)

Шоҳ — подшоҳ, ҳоким.

Ошиқлик билан *шоҳлик* рост келмас,

Икки ишдан бирин қил, йўқса бўлмас.

(Навоий.)

ШТАБ — ШИТОБ

Штаб — умумий раҳбарлик органи. *Революция штаби*.

Элмурод *штабдан* Йўлдош ва яна бир рус киши билан чикди.

(«Тошкент ҳақиқати».)

Шито б — шошилинич, тезлик. *Шитоб* билан ҳамла қилмоқ.

Фосих афанди машшоқларга хўмрайиб каради-ю, даврадан *шитоб* билан чиқиб кетди.

(М.Исмоилий.)

ШТОРМ — ШТУРМ

Шторм — довул, пўртана.

Шторм кўтарилди, пароходлар чайкала бошлади.

(Робинзон Крузо.)

Штурм — астойдил ҳаракат, қатъий ҳужум.

Шиддатли *штурм* натижасида душман мудофаа марраларидан қувиб чиқарилди.

(Н. Сафаров.)

ЭГАЛЛАМОҚ — ЭГАРЛАМОҚ

Эгалламоқ — ўзига қаратмоқ, эга бўлмоқ.

Иш битиб, эшак лойдан ўтгандан кейин, зўравонлар чиқиб, ерларни *эгаллаб* оладиган бўлса, бунинг оқибати ёмон бўлади, халқ хафа бўлибгина қолмай, хафа ҳам қилиб қўйиши мумкин.

(М. Исмоилий.)

Эгарламоқ — от, эшакларга эгар-жабдуқ тортмоқ.

Поляк легионларича кийинган қуролли одамлар отхоналарда от *эгарламоқдалар*.

(Н. Островский.)

ЭЛЛИК — ЭНЛИ

Эллик — сон, қирқ тўққиз билан эллик бир оралиғидаги рақам.

У клубдан *эллик* қадамча нарироққа бориб, Ёдгорга текисроқ жойни кўрсатди.

(Ойбек.)

Энли — эни кенг. *Энли тахта*.

271 минг 946 сўмлик ҳар хил техника ёғин-сочинда бир *энли* занг олиб ётганини раиснинг ўзига солиб, унинг таъбини хуфтон қилиб қўйди.

(«Муштум».)

ЭМАҚДОШ — ЭМИҚДОШ

Эмақдош — бирга ишлайдиган, ҳамкасб. *Адабий эмақдош*.

Эмиқдош — сут эмишган опа сингил, ака-ука

Мамажон ота, заводдаги елкадошлар,

Турсуной, Инобат қиз *эмикдошлар*.

Жо бўлди дилимизга абадул абад

Саодат, Мелиқўзи, Назиртошлар.

(«Тошкент ҳақиқати».)

ЭРТАГИ — ЭРТАНГИ

Эртаги — эрта пишадиган. *Эртаги қовун*.

Эртанги — эртага бўладиган.

Бугунги кун талабларига жавоб берадиган, ҳам *эртанги* кун талабларига хизмат қилишга қодир ёзувчилар бўладик, улар тарихда қоладилар.

(В. Зоҳидов.)

ЯРОҚСИЗ — ЯРОҒСИЗ

Яроқсиз — ярамайдиган, ишлатиб бўлмайдиган, *Яроқсиз асбоб*. *Яроқсиз ходим*.

Яроғсиз — қурол-аслаҳаси йўқ, яроғи йўқ, яроғи бўлмаган. *Яроғсиз одам*.

ЎТКАЗМОҚ — ЎТҚАЗМОҚ — ЎТҚИЗМОҚ

Ўтказмоқ — ўтиш учун имконият яратиб бермоқ, йўл бермоқ. Болани ариқдан *ўтказмоқ*. Вақтни бекорга *ўтказмоқ*.

Ўтқазмоқ — ўтказмоқ. Болани стулга *ўтқазмоқ*.

Ўтқизмоқ — эқмоқ. *Кўчат ўтқизмоқ*.

Бирпас нафасни ростлаб,

Ерни чуқур қазиди,
Икки гўзал акацни
Шу ерга ўтқизди.

(Ҳ. Ғулом.)

ҚАВИҚ — ҚОВУҚ

Қавиқ— қавилган, қавиб тикилган. *Қавиқ* кўрпа
У майда *қавиқ* қора беқасам тўнни елкасига ташлаб, «Фарғона шаҳноз»нинг авжини фалакка
етказар эди.

(С. Абдулла.)

Қовуқ—*анат.* инсон ёки ҳайвон организми.
Мингбоши Матқовулнинг *қовуғига* бир тепди.

(М. Исмоилий.)

ҚАДОҚ — ҚАДАҲ

Қадоқ — қабарган, қабариб кетган.
Ўша Рейхстагнинг деворларида
Ғолиб солдатлариини *қадоқ* қўллари
Ёзган сўзлар — зафар гулдонларида
Сира сўнмайдигай тинчлик гуллари.

(Ҳ. Ғулом.)

Қадах — ичимлик ичиладиган идиш, рюмка, фужер.
Шодлик қилиб, ғам қолмасин дилларда сира,
Қолдирмангиз *қадахларда* майдан бир зарра.

(М. Шайхзода)

ҚАЗИ — ҚОЗИ

Қази — от гўшtidан махсус тайёрланадиган миллий овқат.
Боқ отингни арпа билан,
Боқар қази-қарта билан.

(Мақол.)

Қози — шариат ҳукми билан иш кўрувчи мансабдор шахс.
Қийшиқ арава йўл бузар,
Домла-мулла эл бузар.

(Мақол.)

ҚАЙД — ҚАЙТ

Қайд— белгилаб олиш. *Қайд этмоқ.*
Кремль куранти занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларда *қайд*.

(Ғ. Ғулом.)

Қайт: қайт қилмоқ—еганини қайтармоқ, қусмоқ.

ҚАРОЛ — ҚИРОЛ

Қарол — бировнинг хизматини қилиб юрувчи киши, малай.
Сотиболди сўнгги кунда ҳайдаб юборган *қароли* Жонид бўлиб, у шу артелга аъзо бўлиб
кирган эди.

Қирол — баъзи феодал ва буржуа давлатларидаги монархлик унвони ва шу унвонга эга

шахс.

У вақтда Германия айрим майда давлатчалардан иборат бўлиб, бу давлатчаларнинг қироллари осон йўл билан олтин ҳосил қилиш пайига тушган эдилар.

(«Фан ва турмуш».)

ҚАЪР — ҚАҲР

Қаър — бирор нарсанинг энг туби, энг пасти.

Она Ватан бизларни

Олган иссиқ бағрига.

Кимки бизга ёт бўлса,

Кетар ернинг қаърига.

(З. Диёр.)

Қаҳр — ғазаб, ғазабланиш.

Зулм қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар.

(Муқимий.)

ҚИЙМАТ — ҚИММАТ

Қиймат — товарда гавдаланган ва унда мужассамланган ижтимоий меҳнат ва баҳо.

Капиталистлар фақат кўшимча қиймат олиш учун интиладилар.

Қиммат — кўп пулга баҳоланадиган. *Бу китоб менга қимматга тушди.*

ҚУЛП — ҚУЛФ

Қулп — қулп урмоқ, яшнамоқ, барқ уриб очилмоқ.

Қулф — калит ёрдамида қулфланадиган асбоб. *Уйга қулф солиб беркитмоқ.*

Қўнгил хазинаси қулфи дилдир,

Ул хазинанинг калити тилдир.

(Навоий.)

ҚУРТ — ҚУРУТ

Қурт — қумурқмларнинг умумий номи. *Қурт* тушган олма.

Бунда булбул китоб ўқийди,

Бунда қуртлар ипак тўқийди.

(Ҳ. Олимжон.)

Қурут — сузмага кўпинча туз қўшиб, думалоқ қилиб қуритилган емиш.

Набиралар халтадаги қурут гапини эшитиб, кампирнинг оёғи остида ўрмалашди.

(Ойбек.)

ҚУРУҚ — ҚЎРИҚ

Қуруқ — нам тегмаган, хўл бўлмаган. *Қуруқ* ёғоч. *Қуруқ* ўтин.

Қуруқ ва аччиқ дайди шамол ҳатто жарга ҳам кириб келар эди.

(Островский.)

Қўриқ — очилмаган, ишланмаган (ер ҳақида).

Мен Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романини ўқидим.

ҲАЛАК — ҲАЛОК

Ҳалак — ниҳоятда чарчаган, қийналган, азобланган.

1. Эрталаб нонуштангизни, кечқурун овқатингизни тайёрлайман деб жоним ҳалак.

(Б. Раҳмон.)

2. Дарёнинг у томонига эқдим палак,
У палакка етолмайин бўлдим ҳалак.

(Б. Раҳмон.)

Ҳалок: ҳалок бўлмоқ — ўлмоқ, нобуд бўлмоқ.
Довул вақтида очик денгизда неча ўнлаб кемалар ҳалок бўлган.

ҲАРАМ — ҲАРОМ

Ҳарам — айш-ишрат хонаси.

Ҳозир бу *ҳарамда*, бу фаришта қаршисида туриб, ўзининг мол-дунёсинигина эмас, севикли рафикасини бой берган қиморбоздек фақир ҳис этди.

(Т. Жалолов.)

Ҳаром — нопок, пок тutilмаган, тоза эмас. *Ҳаром овқат*.

Навоий. — Қизишманг! Табаррук қиличингизни бу ифлоснинг қони билан *ҳаром* қилманг.

(Уйғун.)

ҲАРИФ — ҲАРФ

Ҳариф — душман, рақиб.

Ёш бўлса-да, курашнинг кўп қалтис хунарларини отасидан ўрганиб олган. Мана ҳозир ҳам *ҳарифининг* таълими эсига тушди.

(М. Исмоилий.)

Ҳарф — товушларнинг ёзувдаги шакли.

Икки кўлимни кўксимга қўйиб, ўзинг менга биринчи марта ўргатган «А» *ҳарфи* билан «Ассалом», дейман, мухтарам устоз.

(С. Аҳмад.)